O'ZBEKISTON

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2007 йил, **14** декабрь, жума № **50** (2229).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **14** декабря, **2007** год, № **50** (2229).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу - цена договорная

Биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларни, барча эзгу орзу-ниятларимизни амалга оширишда аввалambor миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги кенг кўламли ва мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласини муҳим принципиал ва ҳал қилувчи даражага кўтарганимиз ҳаммамизга яхши аён.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ҚАРОРИ

Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам – Қурбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида»ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонига мувофиқ:

1. 2007 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 19 декабрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини инобатга олиб, 2007 йил 19 декабрь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2007 йил 13 декабрь.



Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Кучимиз — билим ва салоҳиятда

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 декабрь куни Оқсаройда Корея Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия ва иқтисодиёт вазири Квон О Кюни қабул қилди.

– Сизнинг ташрифингиз Ўзбекистон-Корея ҳамкорлиги изчил ривожланиб бораётганининг яна бир тасдиғидир, – деди мамлакатимиз раҳбари. – Биз Корея Республикасини Ўзбекистоннинг ишончли шериги, деб биламиз.

Корея Республикаси мустақиллигимизнинг илк давридан бошлаб мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларни кенг қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ўзаро ҳамкорлик йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётир. Бунда икки давлат раҳбарларининг ўзаро алоқаларни ривожлантириш борасидаги қарашлари ўхшашлиги, бир-бирига ишонч ва ҳурмати, ҳамкорликдан икки томон ҳам манфаатдор экани муҳим асос бўлиб хизмат қилаётир.

Корея Республикаси Президенти Но Му Хённинг 2005 йил май ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида Президент Ислом Каримов мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтаришни таклиф қилган эди. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил март ойида Сеулга ташрифи асносида Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланиб, ҳамкорликни янги босқичга кўтаришнинг ҳуқуқий асоси яратилди.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг йирик иқтисодий шерикларидан биридир. Мамлакатларимиз ўртасида 1992 йилдан буён энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилади. Жанубий Кореянинг Ўзбекистонга шу вақтгача киритган жами сармояси бир ярим миллиард АҚШ долларидан ошади.

Ўзбекистонда Корея Республикаси билан ҳамкорликда саноатнинг янги соҳаси – автомобилсозлик йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Сўнгги йилларда ёқилғи-энергетика мажмуидаги ҳамкорлик ҳам фаоллашмоқда.

Мамлакатимизда Корея Республикаси сармоядорлари билан ҳамкорликда тузилган 138 қўшма корхона, ушбу давлатнинг 37 компанияси ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Корея Республикаси Экспорт-импорт банкининг Тошкент шаҳридаги ваколатхонасини рўйхатга олди. Бу билан юртимизда ваколатхона очган хорижий банклар сони ўнтага етди.

Корея Республикаси Эксимбанки томонидан Ўзбекистонга жами 120 миллион АҚШ доллари миқдорида узоқ муддатли имтиёзли кредит тақдим этилган бўлиб, шундан 14 миллиони телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришга, 76 миллиони касб-ҳунар коллежларини ва 30 миллиони эса умумтаълим мактабларини жиҳозлашга йўналтирилди.

Айни пайтда «Асакабанк»ка ажратилган 20 миллион долларлик кредит линияси мамлакатимиз автомобилсозлик саноати ривожига йўналтирилган. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига ажратилган 10 миллион долларлик кредит линияси эса кичик корхоналарни ривожлантиришни назарда тутади.

Квон О Кю самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Корея Республикаси Ўзбекистон Республикаси билан банк-молия соҳасидаги алоқаларни, сармоявий ҳамкорликни изчил ривожлантириш тарафдори эканлигини алоҳида таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида савдо, иқтисодиёт ва сармоя соҳаларидаги кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов 13 декабрь куни Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 11-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси раиси С.Қурбонқулов очди. Йиғилганлар номзоднинг дастури билан таништирилди. Дастурда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни изчил давом эттириш, демократияни мустаҳкамлаш, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фермерликни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, сармоявий муҳитни янада яхшилаш, солиқ юкини камайтириш, ишлаб чиқаришга юқори технологияларни кенг жорий этиш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш каби муҳим масалалар қамраб олинган.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Истиқлол йилларида бутун мамлакатимиз каби Тошкент вилоятида ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, деди Ислом Каримов. Вилоятда саноатнинг тоғ-кон, кимё, тўқимачилик, қайта ишлаш каби кўплаб тармоқлари изчил ривожланмоқда. «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акционерлик жамияти, «Оҳангарон-цемент» акционерлик жамияти, «Спентекс-Тўйтепа» қўшма корхонаси каби йирик ишлаб чиқариш мажмуалари нафақат вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида вилоятда экспорт ҳажми 1,5 баробар ошгани ҳам шундан далолатдир. Вилоятда аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш, ерлар унумдорлигини ошириш, қишлоққа саноат ва сервисни олиб кириш борасида, шунингдек, маданий-маърифий соҳаларда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, амалга оширилаётган туб ислоҳотлар туфайли мамлакатимиз иқтисодиёти ва халқимиз фаровонлиги тобора юксалмоқда. Пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори, аҳолининг реал даромадлари изчил оширилмоқда. Мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштириш, иқтисодий ва сиёсий соҳаларни либераллаштириш жараёнлари изчил давом этмоқда. Булар халқ фаровонлиги ва даромадларини муттасил юксалтиришга қаратилган устувор вазифалар изчиллик билан амалга оширилаётганининг амалий ифодасидир.

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоиров, Оққўрғон туманидаги 16-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Азиз Қўшбоев, Тошкент вилояти корейслар жамоатчилик бирлашмаси раиси Зоя Ан мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантириш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини юксалтириш борасида амалга оширилган бетимсол ишлар бевосита Ислом Каримов номи билан боғлиқ эканлигини қайд этдилар. Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш, иқтисодиётни ривожлантириш ва халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш каби долзарб масалаларни амалга оширишнинг муҳим кафолати эканлигини алоҳида таъкидладилар.

А.БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.

ИНДОНЕЗИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизга ташриф буюрган Индонезия Халқ вакиллари кенгаши Спикери Агунг Лаксоно раҳбарлигидаги делегация аъзолари 12 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Индонезия парламентларининг ўзаро алоқалари ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган - Барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётган Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тарафдоримиз, - деди А.Лаксоно.

Ўзбекистон ва Индонезия олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Томонлар парламентлараро алоқаларни янги босқичга кўтариш учун барча имкониятлар мавжудлигини қайд этиб, мазкур йўналишдаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришга келишиб олдилар.

Шу куни Индонезия парламенти делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Илгизар Собиров билан музокара ўтказди.

Учрашув чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Индонезия делегацияси аъзолари Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти билан танишдилар.

Меҳмонлар «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамиятида бўлиб, мамлакатимиз авиасозлик саноати фаолияти билан яқиндан танишдилар. А.Лаксоно Ўзбекистон авиасозлик саноати бўйича катта тажрибага эга эканини қайд этди.

Делегация аъзолари Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатларни кўздан кечирдилар.

(ЎзА).

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги



УСТУВОР МАҚСАДГА ЙЎҒРИЛГАН АНЪАНА

Юртимизда турлича анъаналар шаклланмоқда. Замирида миллий истиқлол ғоялари мужассамлиги, мақсад Ватан, халқ манфаатига қаратилгани сабабли ҳам улар кенг қарши олинмоқда, анъана бўлиб яшамоқда. Ана шундайин анъаналардан бири Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ўтказилган тадбирлардир.

(Давоми 8-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди



САДОҚАТУ МАРДЛИК СИНОВИ

Қуролли Кучларимизнинг 15 йиллиги муносабати билан Президентимиз Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида шундай дейди: «...Ҳарбий тайёргарлик даражаси ва ҳарбий хизматчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар сифатини оширишда ҳар йили ўтказиладиган ва анъанага айланиб қолган "Энг яхши сержант", "Энг яхши гуруҳ командири", "Энг яхши взвод командири", "Энг яхши батальон командири" каби йўналишлар бўйича танловлар айниқса муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаш даркор.

(Давоми 3-бетда).

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

В РУСЛЕ ИСТОРИЧЕСКИХ ПРЕОБРАЗОВАНИЙ И ГЛУБОКИХ РЕФОРМ

Первый рабочий день после праздника Дня Конституции. В утреннем вагоне метро тесно и оживленно. Вон, те двое, что-то доказывают друг другу. Разговор не пустопорожний, отчетливо улавливаю смысл — речь идет о работе. Группа молодых парней передают из рук в руки газету с докладом Президента Ислама Каримова и о чем-то оживленно спорят.

(Продолжение на 8-й стр.).



2 СЕНИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!

КАСБИ – ЮРТ ҲАЛОВАТИНИ ҚЎРИШ




6 КУЛЬТУРНАЯ ЖИЗНЬ

ВЫСТАВКА В МУЗЕЕ



11 ЮКСАК МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

«ЎЗБЕКИСТОН БЕЛГИСИ» – ФИДОЙИ ЁШЛАР УЧУН



12 АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

МИЛЛИЙЛИКНИ ЭЪЗОЗЛАГАН РЕЖИССЁР

ВАТАН ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ

Идет боевая учеба

УСПЕШНЫЙ СТАРТ СЛУЖЕНИЯ РОДИНЕ

В подразделении, где командиром группы лейтенант Умид Эрназаров, уделяется самое пристальное внимание вопросам успешной адаптации к условиям армейской жизни военнослужащих срочной службы, призванных минувшей осенью в ряды Вооруженных Сил. И результаты не заставляют ждать долго: с первых дней зимнего периода обучения данное подразделение уверенно идет среди передовых.

Уроженцу Джаркурганского района Сурхандарьинской области рядовому Руслану Ильмурадову первый день зимнего периода обучения запомнится надолго. На торжественном митинге прозвучали добрые напутствия и поздравления от представителей командования военного округа, передовых офицеров и лучших специалистов части.

В связи с тем, что в этом году первый день боевой учебы пришелся на субботу, воины от души потрудились и на мероприятиях по плану парково-хозяйственного дня. Перед ними также выступили военные медики с лекциями о предупреждении простудных, инфекционных заболеваний.

– Очень важно с первых дней службы привить новому члену армейской семьи привычку бережливого отношения к военному имуществу, – говорит командир секции младший сержант Алишер Расулов. – Конечно, в этом есть элемент общей культуры, но доведение предельных сроков носки обмундирования, напоминание порядка обслуживания закрепленного оружия, правил поддержания чистоты в расположении настраивают военнослужащего с самого начала службы быть рачительным. Это и в жизни пригодится.

Именно на первые дни службы вновь призванных ребят приходятся такие важные в их жизни ритуалы, как ознакомление с боевой техникой и вооружением части, торжественное закрепление боевого оружия.

– Показ вооружения и боевой техники, проведенный в преддверии начала учебного года, произвел на меня неизгладимое впечатление, – говорит рядовой Бахтиер Каримов, призванный из Узбекистанского района Ферганской области. – Мне выпала честь служить в десантном подразделении, и потому я с особым интересом наблюдал за тем, как стреляли из вооружения БМД курсанты ЧВТКИУ. Мне очень хочется овладеть таким же боевым мастерством, чтобы заслужить право пополнить ряды будущих офицеров.


Офицеру-воспитателю лейтенанту Касымжану Махкамову собеседования с личным составом помогают не только лучше изучить особенности психологии и поведения новых подчиненных, но и более продуктивно подготовиться к первому занятию по общественно-политической подготовке. Это очень важно с первого занятия заронить в сердца юношей огонек интереса к новым познаниям, привить культуру самостоятельной работы над первоисточниками, с периодикой. Обучая солдат, молодой офицер и сам продолжает учиться, повышать свой профессиональный уровень.

На рядового Максуда Рузматова из Хазараспского района Хорезмской области с первых дней службы благоприятное впечатление произвели занятия по физической подготовке. Данная часть заняла первое место в смотре спортивно-массовой работы, здесь накоплен большой опыт организации состязаний и тренировок личного состава.

– В процессе нашей одиночной подготовки уделено первостепенное внимание отработке элементов действий по сигналам учебной тревоги, – говорит рядовой Дилшод Сидиков, призванный из Янгикурганского района Наманганской области. – Под командованием сержантов и офицеров трудимся над тем, чтобы уложиться в отведенное нормативами время, день ото дня повышаем степень слаженности и умения.

Как известно, 2007 – 2008 учебный год проходит в войсках Министерства обороны под девизом: **«Быть активным проводником военных реформ, надежно защищать мир и спокойствие граждан, неприкосновенность рубежей Родины, совершенствовать навыки и профессиональные знания по эффективному применению военной техники и вооружения, сбережение военно-технического имущества – долг каждого военнослужащего».** Первые дни боевой учебы в подразделении лейтенанта Умида Эрназарова наглядно свидетельствуют о том, что успешный старт служения Родине призванных осенью военнослужащих срочной службы становится надежным фундаментом будущих успехов.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **Камолитдина ТУРАЕВА.**



Сенинг қаҳрамонларинг, Ўзбекистон!

КАСБИ – ЮРТ ҲАЛОВАТИНИ ҚЎРИШ



«Ҳайдар аканг хизматдан таътилга келибди маърақамизга айтиб кел. Дадам тайинладилар, дегин». Қишлоққа борганида доимо шунақа бўлади. Ҳамқишлоқлари бири қўйиб, бири тўйга, маърақага айтган. Уйига меҳмондорчиликка чақириб кетадиганлари қанча. Қишлоқдан етишиб чиққан биринчи ҳарбий бўлгани учун одамларнинг унга меҳри баланд.

«Икромбойнинг шу ўғли бошқача-да. Худди ҳарбийлик учун яратилгандек. Унинг ортидан фарзандларимиз ҳам эргашяпти. «Яхшига ёндаш», деганлари шу-да. Буям бўлса қишлоғимиз обрўси», дейди оқсоқоллар бу борада гап кетганда. Армия ёшидаги йигитларни айтмайсизми. «Ҳайдар ака», «командир», дея ҳоли-жонига қўйишмайди. Ахир, қишлоқнинг қанча-қанча мардлари ундан ўрганиб, унга ҳавас қилиб, юрт олдида бурчларини ўташган.

Фидойи офицер Мустақиллигимизнинг 16 йиллигида Президентимизнинг Фармонига кўра «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланди.

Очиғи, бу офицерни анча йиллардан бери биламан. У Қуролли Кучларимизга асос солинган илк давронаҳ сафларда. Ислоҳотлар сабаб офицерлар корпусига ҳам улкан эътибор қаратилиб келинаётганини яхши биламиз. Шу маънода лавҳамиз қаҳрамони ҳам юқори профессионал қобилиятга ва малакага, юксак интеллектуал салоҳиятга эга офицер кадрларни тайёрлашга қаратилган тизимда шаклланди. Шунинг учун бугуннинг офицери деган шарафли номга ҳар томонлама лойиқ. Яъни юксак интеллектуал салоҳиятга эга офицер ақл-заковат, ҳарбий малакаси билан ҳар қандай шароитда ҳам оқилона қарор қабул қила олиш санъатини эгаллаган. У офицер – аскар, сержантларга устоз эканлигини яхши англайди. Шу маънода олиб қараганда, шахсий таркиб ундан, етакчилик қобилиятидан ўрнак олади.

Посбонлар ортидан эргашар экан, демак у ишончли бўлиши керак. Аниқроғи, уларнинг ишончини оқлай билмоғи лозим. Бу эса ундаги бурчга, танлаган касбига, қасамёдига садоқат билан ўлчанади. Офицерлигидан фахрланадиган, ғурурланадиган бу мард Ватан ҳимоясини, тинчлигимиз, осойишталигимизни ҳамма нарсадан устун қўйгани учун ҳам сафдошлари унга ишонишади, посбонлари эргашади. Ундан ибрат олишади. Билишадики, ҳеч қачон панд бермайди.

Янги ўқув йили олдидан офицер Ҳайдар Эргашев автомобиль техникаларини жанговар шай ҳолатга келтириш ва уларни белгиланган вақтда паркдан олиб чиқиш тадбирлари бўйича режалар ишлаб чиқди. Мотозаҳираларнинг қанчалар тўғри ва тежамли сарфланаётганини ўрганиб, уларнинг техник ҳолатлари бўйича хулосалар чиқарди. Ахир, тўғри эксплуатация қилиниб, техник ҳолатларига талаб даражасида эътибор қаратилса, улар доимо жанговар шай ҳолатда бўлади. Яроқлилик муддати узаяди. Бу борада «сарфланаётган ҳар бир сўм мудофаа қудратимиз ошишига хизмат қилсин», деган тамойилга амал қилади. Шунинг учун ҳам ҳар кунлик нарядлар тайёрланганда буни ҳисобга олади. Яъни йўналиш бўйича соз ҳолатда паркдан чиқиши ва паркка қайтишини қатъий назорат қилади. Хавфсизлик талабларига, ёнғинга қарши тадбирларга ҳам эътиборли бўлади.

Халқаро терроризм, диний экстремизм тинчлигимизга таҳдид солаётганини яхши биламиз. Дунёи дун чайқалиб, жаҳоннинг ҳали у, ҳали бу нуқтасига мазкур офат жароҳатлар солмоқда. Посбонларимиз асримизнинг бу офатига қарши огоҳликлари, сергакликлари билан муносиб жавоб беришмоқда. Лавҳамиз қаҳрамони ҳам бу офат юрт бошига тушганда кўксини қалқон қилиб турганлардан. Бу борада гап кетганда, у шундай деди: «Бундай вазиятларга қарши доимо ҳушёр ва сергак туришимиз, куч ва имкониятларимизни тўла сафарбар этган ҳолда Қуролли Кучларимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашимиз билан курашмоғимиз керак».

Мен бу офицернинг уйида меҳмон бўлганман. Оила бағридан хизматга отлангандаги ҳолатини обдон кузатганман. Эгнига ҳарбий либос билан бирга Ватан ҳимоячиси деган масъулиятни ҳам олгандек туюлди, юз-кўзларида ғурур, фахр аломатларини кўргандек бўлдим. Қисқаси, юрт ҳаловати, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида камарбаста, фидойи бир инсон қадрдон бўлиб қолган хизмати сари ана шундай ҳолатда йўл олди.


Майор Т.АЛИЕВ.
К.ТЎРАЕВ суратга олган.

MARKAZIY SAYLOV KOMISSIYASI O'ZBEKISTON

23 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ

КЕЛАЖАК УЧУН ОВОЗ БЕРАМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ҳам саноқли кунлар қолди. Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеликдан юрт ҳимоячилари ҳам четда эмас. Улкан сиёсий жараёнга тайёргарлик Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва муассасаларида ҳам қизғин ўтмоқда. Қуйида сайловда илк бор иштирок этаётган посбонларимизнинг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.



Олдий аскар
Соҳибжон АРАЛОВ:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ишлари бошланган дастлабки кунларданоқ биз посбонлар учун мазкур сиёсий жараённинг мазмун-моҳияти, бу ҳақда мамлакатимиз қонун ҳужжатлари янада чуқур ўргатилди. Ҳуқуқшунослар иштирокида ўтказилган турли суҳбатлар, учрашувларда барчамиз фаол қатнашдик. Сайловда мамлакатимиз эртаси учун овоз берилади. Бундай улкан жараёнда менинг ҳам ўз овозим борлигидан хурсандман.



Олдий аскар
Аброр ТЎРАҚУЛОВ:

– Шу кунларда бутун мамлакатимиз 23 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайргарлик кўрмоқда. Бу муҳим сиёсий воқеликда мен ҳам илк бор ўз овозим билан иштирок этаман. Олиб борилган тушунтирув-тарғибот ишларидан шу нарсани аниқ англадимки, мазкур сиёсий жараён юртимизда демократия тантанасининг амалдаги ифодасидир.



Олдий аскар
Турдимурод САГИЗОВ:

– Юртимизда биз ёшларга мамлакат эртаси, келажаги дея юксак ишонч билан қаралади. Биз ҳам ўз навбатида бундай ишончга муносиб бўлишга ҳаракат қиламиз. Бутун мамлакатимиз аҳолиси диққат-эътиборида турган сайловда ёшлар ҳам кўпчилик овозга эгадирлар. Шуни ишонч билан айта оламанки, сайловда буюк келажак учун овоз берамиз.

Ҳуқуқингни биласанми, сайловчи?

БЮЛЛЕТЕНЛАР ТАЙЁРЛАНИШ ТАРТИБИ

Сайлов бюллетенлари Президентлик сайловига қанча муддат қолганида тайёрланади?

Кичик сержант Жамол БОЗОРОВ.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида» ги Қонуннинг 27-моддасида бу борада батафсил маълумот бериб ўтилган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир бюллетеннинг шакли ва матни Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими ва иш жойи сайлов бюллетенида алифбо тартибида кўрсатилган бўлади.

Марказий сайлов комиссияси фармойишига кўра сайлов бюллетенлари сайловга камида йигирма кун қолганда давлат тилида нашр этилади. Округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайлов бюллетенлари сайлов округининг кўпчилик аҳолиси сўзлашадиган тилларда ҳам нашр этилиши мумкин.

Участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини сайловга камида уч кун қолганда округ сайлов комиссияларидан оладилар. Берилган ва олинган сайлов бюллетенларининг сонини тегишли округ ва участка сайлов комиссияларининг раиси ёки раис ўринбосари ёҳуд котиби ўз имзоси билан тасдиқлайди. Комиссия томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқишда инобатга олинмайди.

Мен муддатли ҳарбий хизматчиман. Бизни сайловчи сифатида рўйхатга олиш тартиби қанақа?

Оддий аскар Аброр МУЛЛАЕВ.

Сайловчилар рўйхатини ҳар бир сайлов участкасида участка сайлов комиссияси тузади ва уни раис ҳамда котиб имзолайди. Туман ва шаҳар ҳокимликлари сайловчилар ҳисобга олинишини таъминлайдилар ва участка сайлов комиссияларига тегишли ҳудудда яшайдиган сайловчилар тўғрисида сайловчиларнинг рўйхатини тузиш учун зарур маълумотларни берадилар.

Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчи-сайловчиларнинг, шунингдек ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлар жойлашган ерларда яшовчи оила аъзолари ва бошқа сайловчиларнинг рўйхати ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этадиган маълумотлар асосида тузилади.

Сайловчилар рўйхати билан эса фуқаролар тилга олинаётган Қонуннинг 23-моддасига биноан сайловдан ўн беш кун олдин, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторий ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа доимий ишлайдиган даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган жойларда тузилган сайлов участкаларида эса сайловдан икки кун олдин ҳамманинг танишиб чиқиши учун тақдим этилади.

Толмас ҚУРБОНОВ тайёрлади.

ЖАНГОВАР ЮТУҚЛАРИМИЗ – ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ 16 ЙИЛЛИГИГА

САДОҚАТУ МАРДЛИК СИНОВИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу ишларнинг барчасидан кўзланган бош мақсад – юксак жанговар тайёргарлик ва профессионализмни, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш бўйича қўшинларда ўзаро мусобақа руҳини кучайтириш, сержант ва офицерларда етакчилик хусусиятларини ривожлантириш, ҳарбий жамоаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдан иборатдир.

Шу боис ана шундай танловларни бутун армия миқёсида ўтказиш тажрибасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва кенгайтириш зарур, деб ҳисоблайман. Танловда қатнашадиган ҳарбий хизматчиларни муносиб тақдирлаш тизимини ҳар жиҳатдан такомиллаштириш, яъни танлов ғолибларига муддатидан аввал навбатдаги ҳарбий унвонлар бериш, уларни моддий рағбатлантириш миқдорини ошириш, ҳарбий ўқув юртларига ўқишга киришда улар учун қўшимча имтиёзлар беришни кўзда тутиш даркор».

Дарҳақиқат, Юртбошимиз ташаббуси билан асос солинган мазкур танлов бугун ўзига хос анъанага айланиб улгурган. Табиийки, ҳар бир янгилик ҳаётдан мустаҳкам ўрин эгаллаши, қўллаб-қувватланиши, анъанавий тарзда давом этиши учун мақсад устувор бўлмоғи керак. Шу маънода таъкидланаётган танловнинг мазмун-моҳиятига бир сидра назар ташласак.

Эсингизда бўлса, 2003 йилнинг охирларида Президентимиз – Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони Ислом Каримов Ватан ҳимоячилари куни байрамини нишонлаш борасидаги фармойишга имзо чекди. Унда мазкур сана муносабати билан ўтказиладиган қатор тадбирлардан ташқари муҳим бир янгилик ҳам бор эди. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, мазкур муҳим ҳужжатда ҳарбийларимизнинг касбий малакаси, маҳоратини янада ошириш учун танловлар ташкил этиш ва ўтказиш борасида кўрсатмалар берилганди. Хўш, нега бундайин танловлар ўтказишга қарор қилдик?

Маълумки, ислоҳотлардан тинчлигимиз, хавфсизлигимизнинг, сарҳадларимизнинг метин қалқони бўла оладиган, ҳар жиҳатдан қудратли, қурол-яроғ ва ҳарбий маҳоратда ҳеч кимдан кам бўлмаган миллий армияни шакллантиришдек мақсадларни кўзлаганмиз. Армияни, жанговар қудратимизни, ҳарбий маҳоратимизни юксалтирадиган куч эса, табиийки унинг сафларидаги фидойилар – ҳарбийларимиздир. Демак, уларнинг маҳорати ошса, Қуролли Кучларимиз жанговар қудрати янада шаклланади. Қолаверса, қўшинлардаги жанговар тайёргарлик тизимини янада такомиллаштириш, Қуролли Кучлар турлари, хиллари ўртасидаги ўзаро тезкор уйғунликни таъминлаш, шахсий таркибнинг жанговар ўқув тайёргарликларини, замонавий ҳарбий техника ва қурол-аслаҳа ҳисобига шаклланаётган моддий-ўқув базамизни сифатли ўзлаштиришлари учун ҳам маҳорат, билим, тажриба тақозо этилаётганди. Шундагина ҳар қандай тактик ҳолатда энг мураккаб вазифаларни ҳал қила олиш, сон жиҳатдан катта бўлмаган, тезкор ва ихчам бўлинмаларни шакллантиришдек мақсадга эришишимиз мумкин эди. Мана, танлов замиридаги мазмун-моҳият.

Танлов низомида ҳарбий хизмат нуфузини янада ошириш, Ватанга, танланган мардлар касбига муҳаббатга йўғрилган анъаналарни шакллантириш каби олижаноб вазифалар илгари сурилганини, кичик ва ўрта командирлик бўғинлари лавозимидаги ҳарбийларимиз касбий ўсишларини рағбатлантириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятлари, етакчилик сифатларини шакллантириш, қўшинларда юксак маънавий-жанговар руҳ, соғлом рақобат муҳитини яратиш, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш каби мақсадлар олдинга қўйилганини яхши биламиз. Бунинг қай даражада самара бераётганини мисоллар ёрдамида кўриб чиқайлик.

Капитан Анвар Ҳамидов танловнинг республика босқичига учинчи бора йўлланма оляпти. Илк бор қатнашганда офицер гуруҳ командирлари ичида энг илғор деб топилди. Иккинчи йили эса у навбатдаги довонни забт этди – взвод командирлари ўртасидаги танловда ғолиб чиқди. Жорий йилги уриниш қандайин самара беришини вақт кўрсатади. Касбига, соҳасига қалб қўри билан ёндашган ҳарбий хизматчи танловнинг қуйи босқичидаёқ интеллектуал салоҳияти юксаклигини кўрсатди. Моҳир етакчи эканлигини, тажрибалӣ командирлигини исботлади. Қолаверса, бу унинг ҳарбийликдек шарафли касбдан фахрланиш, ғурурланиши ўз рағбатини топаётганидандир. Танлов лавҳамиз қаҳрамонининг хизмат поғоналаридан ўсиш истиқболларини ҳам таъмин этяпти.

Айни пайтда ниҳоясига етиб бораётган «Энг илғор мутахассис» танловининг республика босқичида кичик сержант Қаҳрамон Худойқулов ўз номинацияси бўйича ғолиб чиқиш учун кучи, билими, тажрибасини ишга солган. «Яхши биламиз, замонавий армиямизга мос профессионал посбон бўлишимиз учун дейлик турникда тортилиш, нишонга бехато отиш ва шунга ўхшаш тайёргарликларнинг ўзи камлик қилади. Бугуннинг посбони нафақат жисмонан бақувват бўлмоғи, балки юксак ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти билан ҳам ажралиб турмоғи лозим. Ахир, унга Ватани, халқи энг замонавий техника, қурол-аслаҳани ишониб топширмоқда. Шунингдек, садоқатда, ватанпарварликда намуна бўлмоғимиз керак. Негаки, она-юртимизни – муқаддас тупроғимизни кўз қорачиғидек асраш, истиқлолни ҳимоялаш, сарҳадларни дахлсиз сақлашдек масъулиятли, шарафли вазифалар зиммамизда. Танлов буларни бизга янада чуқур англатмоқда», дейди у.

Ҳарбийлик бошқа мутахассисликларга кўра кўпроқ мардлик, матонат ва фидойилик фазилатларини, ўз Ватани олдидаги бурчи ва қасамёдига содиқликни талаб этишини яхши биламиз. Демак, ҳарбийларимиз орасидан ҳам касбига, бурчига садоқатли, юксак ақл-заковатга, касбий маҳоратга эгаларини танлаш, уларнинг тажрибаларини ўрганиш, тарғибот қилишни давр биздан талаб этди. Юртбошимиз ташаббуси билан асос солинган, бугун Ватан ҳимоячиларининг профессионалликни ошириш йўлидаги жами интилишларини рағбатлантираётган танлов бунга муносиб жавоб берди.

Асос солинганига ҳеч қанча вақт бўлмаса-да танловнинг йилдан-йилга такомиллашаётгани, мукофот, рағбатлар ортаётгани, энг муҳими у ҳаётини, тақдирини Қуролли Кучларимиз билан боғлаган кўплаб ҳарбийларимизга қўшқанот бахш этаётгани, ҳарбийликни шараф, фахр, ифтихор, элу юрт олдидаги муқаддас бурч, санайдиган мардларни кашф этаётгани эртанги кунга умид, ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Майор Ш.ТОЛМАСОВ.

«Энг илғор мутахассис»

БИЛИМ ВА МАҲОРАТ БЕЛЛАШМОҚДА

Ватан меҳри, Ватанга садоқат, муҳаббат ва ҳурмат каби туйғулар бугун Қуролли Кучларимиз жанговар сафларида хизмат қилаётган ҳарбийларимиз қалбларида мужассам, деб бемалол айта оламиз. Ўтказилаётган изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ, йилдан-йилга ҳарбий хизмат нуфузи ошиб, профессионал асосда шаклланаётган миллий армиямиз сафлари маҳоратда тенгсиз, интеллектуал салоҳиятли, мард ва жасур посбонлар билан кўпаймоқда.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган "Энг илғор мутахассис" кўрик-танлови Қуролли Кучларимиз бўйича юксак савияда ўтказилиб келинмоқда. Йилдан-йилга танловга қизиқиш ортиб, нуфузи ошиб бормоқда. Мусобақанинг айни кунларда қизғин кечаётган республика босқичи ҳам юқоридаги фикрларимизни исботлаб турибди. Унда округлар миқёсида ғолибликни қўлга киритган офицер ва сержантлар ўз билим ва маҳоратларини намоён этишмоқда.

– Мусобақани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, – дейди офицер Акром Каримов, – ҳарбий хизмат нуфузини ошириш, юрт ҳимоячилари қалбида она Ватанга муҳаббат, садоқат, ҳурмат туйғуларини уйғотиш, улар орасидан ҳақиқий профессионалларни танлаб олиш ва рағбатлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш ва жанговар тайёргарлик даражасини янада юксалтириш каби омилларни шакллантиришдан иборат.

Танлов иштирокчилари ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, тактик, отиш, граната улоқтириш, шахсий таркиб билан ишлаш, тўсиқлардан ошиб ўтиш, ҳарбий топография ва жисмоний тайёргарлик ҳамда назарий билимлари бўйича тест синовларидан ўтишмоқда.

Шу кунларда мусобақа ўзининг қизғин палласига кирган. Офицер ва сержантлар қўйилган шартлар бўйича бор билим ва маҳоратларини ишга солиб, илғорлик сари олға интилишяпти.

– Мен тўрт йилдан буён ушбу танловда қатнашиб келмоқдаман, – дейди кичик сержант Алишер Мирзакаримов. – 2004-2006 йилларда ғолибликни қўлга киритиб, илғорлар сафидан жой олган эдим. Бу сафар ҳам мутахассислигим ва касбий маҳоратим бўйича қўйилган барча шартларда муваффақиятга эришаяпман. Жумладан, сержантлар ўртасида автоматдан 200 метр узоқликдаги нишонларга ўқ отиш шартида энг юқори кўрсаткични қайд қилдим. Буларнинг барчасини тинимсиз меҳнат ва изланишлар самараси, деб биламан. Ҳали олдинда яна бир қатор босқичлардан ўтишим лозим. Ўйлайманки, офицерлардан олган билимларим ва маҳоратим панд бермайди, албатта ғолибликни қўлга киритиб, ҳақиқий профессионал посбон эканлигимни амалда исботлайман.

Дарҳақиқат, танловнинг республика босқичида кучлилар ичра кучлилар беллашмоқда. Эришилаётган натижаларга эътибор берсак, офицерлар – Б.Исмоилов, У.Тошев, Х.Раҳимов, А.Ҳамидов, Б.Қосимов ҳамда сержантлардан – А.Примов, А.Аҳмеджонов, Э.Мадаминов, Ш.Дадажоновлар энг юқори кўрсаткичларга эришишаётир.

– Танлов ташкилий қўмитаси аъзоси сифатида шуни ишонч билан айтаманки, – дейди офицер Мансур Мадаминов, – бу ердаги иштирокчиларнинг барчалари миллий армиямизнинг ҳақиқий профессионалларидир. Улар учун танловнинг республика босқичига етиб келишларининг ўзи катта шараф. Посбонлар назарий ва амалий синовларда фаол иштирок этиб, улкан муваффақиятларга сазовор бўлишмоқда. Офицер ва сержантлар учун бу мусобақанинг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда катта. Чунки улар бу ерда ўз билим ва маҳоратларини яна бир бор синовдан ўтказишади, ҳар томонлама тобланиб, чиниқишади.

Шуни фахр билан айтиш лозимки, мазкур танлов юрт ҳимоячиларининг юксак касбий маҳоратга, мустаҳкам иродага, ўз халқига, Ватанига садоқатли посбон бўлишдек олижаноб туйғуга эга бўлишларида муҳим омил бўлиб келмоқда.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
"Ватанпарвар" мухбири.
Комолиддин ТЎРАЕВ
суратга олган.







Бдительность – наше оружие

ДОВЕРЯЕТСЯ ЛУЧШИМ

Выполнение боевой задачи по охране и обороне военных объектов доверяется лучшим воинам. Только те, кто самым прочно изучил Устав гарнизонной и караульной служб, в совершенстве на практике выполняют все его требования, с оружием в руках заступают для несения службы на постах.

В подразделении, где служит младший сержант А.Ибрагимов, в числе воинов, образцово несущих караульную службу по охране и обороне военных объектов, называют рядовых А.Исмаилова и У.Саидмуродова.

Они призваны в ряды Вооруженных Сил: один из Учтепинского района столицы, другой – из Кувинского района Ферганской области.

Как отмечают командиры, несмотря на небольшой опыт службы оба обладают хорошими организаторскими способностями, немалой армейской смекалкой, стремлением к изучению техники и оружия, четкими знаниями Общевоинских уставов, высокой физической закалкой, а также безупречным, добросовестным отношением к выполнению возложенных обязанностей. В День 15-летия Конституции Республики Узбекистан эти воины были поощрены командованием. Родители могут ими гордиться.

На счету у военнослужащих этого подразделения есть случаи задержания подозрительных лиц, а также пресечение попытки кражи горючесмазочных материалов и запасных частей. Поэтому здесь хорошо понимают, что вопросам воинской дисциплины и бдительного несения караульной службы должно уделяться самое пристальное внимание.

– А иначе нельзя, ведь бдительность – это веление современных будней, – говорит в беседе рядовой У.Саидмуродов.

На сегодня рядовые Акбар Исмаилов и Уткур Саидмуродов, уже успевшие отличиться при несении службы в карауле, являются одними из передовых военнослужащих подразделения.

На инструктаже личного состава командиры не раз доводили, что отдельные гражданские лица под различными вымышленными предлогами пытаются войти в доверие, в том числе и к несущим службу военнослужащим. Подобные «друзья» ставят своей целью выудить закрытые сведения. И только благодаря бдительности таких военнослужащих, как рядовые А. Исмаилов и У. Саидмуродов, подобные намерения своевременно пресекаются, а нарушители задерживаются и передаются в компетентные органы.

Методически грамотное проведение командирами и начальниками инструктажа, заступающего на службу личного состава, является одним из слагаемых успеха, гарантируя качественное выполнение боевой задачи. Знающих свои обязанности, бдительных военнослужащих на подобную «дружбу» не возьмешь.

Капитан Мирза ХАСАНОВ.

Ёш офицерлар – Қуролли Кучларимиз келажаги

ШОГИРДЛАР ЮТУҒИ – БИЗНИНГ ЮТУҒИМИЗ

Бизнинг асосий вазифамиз Қуролли Кучларимиз учун ҳар томонлама етук офицерлар тайёрлашдир. Бугун юртимизнинг олий ҳарбий ўқув даргоҳларида замонавий жанговар санъат сирларидан ёшларга сабоқ бериш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Курсантларга малакали мутахассислар билим берадилар, тажрибали офицерлар машғулотлар олиб борадилар.

Бугун Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган кўплаб маҳоратли офицерлар орасида Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг собиқ курсантлари ҳам бор. Ёш офицерлар эришган ютуқлар, муваффақиятлар ҳақида эшитиш биз учун ҳам қувончлидир. Бундай муваффақиятлар билим юртимиз фидойи мураббийлари меҳнатининг маҳсули. Севимли газетамиз «Ватанпарвар» саҳифаларида ҳарбий хизматда алоҳида ютуқларга эришган Ватан ҳимоячилари орасида таниш чеҳраларни кўриш биз ўқитувчи-офицерларни ҳам тўлқинлантириб юборади.

Яқинда яна бир ёш офицер ҳақида қисм қўмондонлиги томонидан билдирилган илиқ фикрларни эшитиб, мамнун бўлдик. Ёш офицер Темур Абдуразаков билим юртида таҳсил олиб юрган вақтларида ҳам намунали ахлоқи, аъло баҳоларга ўқиши, ташкилотчилиги билан курсантлар орасида ажралиб турарди. Эндиликда у офицер сифатида ҳам кўпчиликка намуна экан. Бунда албатта ҳарбий қисм тажрибали офицерларининг ҳам устоз сифатида катта ҳиссалари бор.

Ёш аскарлар билан олиб борган машғулотларини тажрибали офицерлар юқори баҳолашди. Лейтенант Темур Абдуразаков билан ёнма-ён яна бир ёш офицер Рамиз Арамов ҳақида ҳам командирлари шундай илиқ фикрлар билдирмоқдалар. Биз ҳам уларнинг муваффақиятларидан қувониб, шогирдларга шарафли касбларида ҳамиша омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Майор Шуҳрат ҚОСИМОВ,
Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти
ўқув бўлими катта офицери.

ИСЛОҲОТЛАРИМИЗ САМАРАСИ

МАВСУМДА –УЛКАН ЗАФАРЛАР

Офицер Шокир Дўсчанов хизмат қилаётган ҳарбий қисмда ҳам янги ўқув йилининг қишки мавсуми кўтаринки руҳда давом этмоқда.

– Қишки ўқув мавсумига ҳарбий қисм шахсий таркиби жиддий тайёргарлик кўришди, – дейди офицер Илҳом Бегимқулов. – Ўқув-моддий базаси, ҳужжатлар, жанговар техника ва қурол-аслаҳалар шай ҳолатга келтирилди. Шунингдек, яқинда жанговар сафларга қўшилган аскарлар билан малакали офицер ва сержантларимиз жанговар тайёргарлик ва бошқа машғулотлар бўйича назарий ҳамда амалий сабоқларни олиб боришди.

Ўтказилган саф тайёргарлиги кўриги ҳам юқоридаги фикрларни исботлаб турибди. Ҳар бир ҳарбий хизматчи қишки ўқув мавсумига пухта ва аниқ тайёргарлик кўрган. Посбонларнинг ташқи кўриниши, ҳужжатлари, аслаҳа-анжомлари, қурол-яроғ ва ҳарбий техникалар жанговар шай ҳолатга келтирилган. Ўтказилган савол-жавоб жараёнида ҳам посбонларнинг назарий жиҳатдан янги мавсумни бошлашга қанчалик тайёр эканликлари текширилди.

Сурхондарё вилоятидан хизматга чақирилган оддий аскар Умид Мўминов ўз фикрини қуйидагича билдирди:

– Мен ҳозир ҳаяжондаман. Жанговар сафларга яқинда қўшилган бўлсак-да, мен ва сафдошларим ҳарбий хизмат, умуман армия ҳақида етарли маълумот ва кўникмага эга бўлдик. Мана бугун янги ўқув мавсумини бошладик. Бу, биз аскарларнинг ҳар томонлама тобланиб, маҳорат ва тажрибамизни оширишимиз, мард ва жасур посбонлар эканлигимизни кўрсатиш, буни амалда исботлашимиз учун катта имконият деб биламан. Сафдошларим билан қўйилаётган жанговар вазифани ўз вақтида, кўнгилдагидек қилиб бажаришга ҳаракат қиламан. Бу билан юртимиз тинчлигини, осойишталигини сақлашда ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшаётганимиздан фахрланаман.

Ўқув мавсумининг аввалида ўтказилган ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулоти кўргазмали қуроллар ёрдамида олиб борилди. Унда оддий аскарлар Аҳмад Ниёзембеков, Баҳром Ҳакимов, Феруз Ҳасановлар фаол иштирок этишди.

Ҳарбий қисм паркида техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича бўлиб ўтган машғулотларда ҳам посбонлар фаол қатнашиб, офицер ва кичик командирлар томонидан тушунтирилган назарий ҳамда амалий билимларни пухта ўзлаштиришди.

Ҳарбий қисмнинг жанговар тайёргарлик бўйича ўтказилган ўқув машғулотларида шахсий таркибнинг тез ва аниқ ҳаракат қилиши, ўз вақтида белгиланган жойга йиғилиши, посбонларнинг ўзига бириктирилган ҳудудни ёки постни тезкорлик билан эгаллашлари текширилди. Округ масъул офицери подполковник Адҳам Саидовнинг таъкидлашича, ҳарбий қисм шахсий таркиби ҳамда техникаси ҳар қандай жанговар вазифани бажаришга шайдир.

Аҳрор РАЖАБОВ.

Чегара қўшинларида

ҒАМХЎРЛИКДАН МИННАТДОРМИЗ



Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмларнинг бирида янги чегара пости биноси фойдаланишга топширилди.

Тадбирда вилоят ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари масъул ходимлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар. Меҳмонлар замон талабларига мос қилиб қурилган янги бинонинг фойдаланишга топширилгани билан чегарачиларни қизғин табрикладилар. Ҳарбий хизматчиларнинг маданий-маиший турмуш тарзини яхшилаш борасида кўрсатилаётган бундай ғамхўрликдан руҳланган чегарачилар жанговар шайликни янада оширишга ваъда бердилар.

Фойдаланишга топширилган чегара постининг атрофида шу куннинг ўзидаёқ кўкаламлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Манзарали арча кўчатлари экилди.


– Намунали хизмат қилишимиз, билим ва тажрибаларимизни ошириб боришим учун чегара постимизда барча шароитлар бор,– дейди оддий аскар Дилшод Отахўжаев. – Кичик командирлар ва аскарларнинг мазмунли дам олишлари, спорт билан мунтазам шуғулланишлари, тиббий кўрикдан ўтишлари учун барча қулайликлар яратилган. Ўзингизга маълум, янги чегара постларининг фойдаланишга топширилиши жойлардаги инфраструктуранинг ривожланишига, янги йўллар, алоқа тармоқлари, транспорт каби кўплаб масалалар ҳал бўлишига имконият яратади. Бунинг учун сафдошларим номидан ҳукуматимизга, юқори қўмондонлигимизга чуқур миннатдорлик билдираман.

Мен Наманган вилоятидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилганман. Маълумотим олий. Наманган муҳандислик педагогика институтини тамомлаб, ўз ихтиёрим билан хизматга келганман. Армия–тарбия ўчоғи деганлари рост экан. Аскарлик хизмати истиқболдаги режаларимни тузишимда муҳим аҳамият касб этмоқда. Муддатли ҳарбий хизматдан кейин шартнома асосида хизмат қилмоқчиман.

Йил охиригача Чегара қўшинларига қарашли бошқа ҳарбий қисмларда ҳам янги чегара постларини фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Подполковник
Арслон САЙДАЛИМОВ.

ЯНГИ УЙ МУБОРАК БЎЛСИН





«Ижтимоий ҳимоя йили» дастури бўйича Қуролли Кучларда амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли ҳарбийларни уй-жой билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Яқинда МХХ чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари учун мўлжалланган кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди.

Ушбу қувончли воқеа муносабати билан бўлиб ўтган тадбирда сўзга чиққанлар ҳарбий соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар, Ватан ҳимоячилари учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар, профессионал армияни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этаётганини эътироф этишди.

Шундан сўнг офицер ва ҳарбий хизматчиларга тантанали равишда янги хонадонлар калитлари топширилди. 16 нафар ҳарбий хизматчи ва уларнинг оила аъзолари замон талабларга тўла жавоб берадиган уйга кўчиб ўтдилар.

Офицер Ўткир Примов ҳам ўз сафдошлари қатори Чегара қўшинларида юртимиз сарҳадларининг дахлсизлигини, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдек шарафли ва масъулиятли вазифани адо этиб келмоқда. Бугунги кун унинг оиласи – турмуш ўртоғи Гулмира Бозорова ва жажжи фарзандлари учун энг эсда қоларли бўлди.

– Биз уч хонали квартирага эга бўлганимиздан жуда хурсандмиз, – дейди Гулмира Бозорова, – илгари бундай кенг ва шинам хоналарда яшашни орзу қилардик. Орзуимизга эришдик. Бунинг учун Президентимизга, МХХ раҳбариятига миннатдорлик билдираман...

Ҳа, халқимизда «Оиланг тинч бўлса, ишингда унум бўлади», деган гап бор. Ҳарбий оилалар учун ушбу муҳташам бинонинг фойдаланишга топширилиши уй-жой масаласидаги муаммоларнинг ҳал этилишида муҳим омил бўлди. Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш борасида олиб борилаётган кенг-кўламли ишлар давом этмоқда.

Капитан
Раззоқ ШОЙМАРДОНОВ.

ИСЛОҲОТЛАРГА ҲАМОҲАНГ

Қуролли Кучларимизнинг қурол-яроғ, ҳарбий техника, озиқ-овқат, кийим-кечак ҳамда зарур моддий воситалар, замонавий компьютерлар, янги электрон-ҳисоблаш воситалари билан таъминланаётгани қувонарли ҳолдир.

Жумладан, Ёқилғи таъминоти бошқармаси ҳам биринчилардан бўлиб, компьютерлаштирилган янги тизимни амалда татбиқ қилмоқда. Мудофаа вазирининг тегишли буйруғига асосан ҳудудий ёқилғи таъминот марказлари ташкил қилинди. Бундан кўзланган асосий мақсад эса ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг ёқилғи, мойлаш, суртувчи, махсус суюқликлар ва техник воситалар билан таъминланишини такомиллаштиришдан иборат.

Электрон тизимни йўлга қўйиш учун махсус дастурлар тузилган бўлиб, барча ҳарбий округлар, марказий ёқилғи омборхоналари компьютер технологиялари билан жиҳозланди.

Ёқилғи таъминоти бошқармаси томонидан маълумотларни қайта ишлаш бўлимлари ходимлари учун махсус қисқа муддатли курслар ташкиллаштирилди.

Ҳозирда олий ҳарбий ва ўрта махсус таълим муассасаларида, олий ўқув юртларидаги ҳарбий таълим факультетлари, шунингдек, ҳарбий тайёргарлик ўқув марказларида электрон дастурларнинг ўқитилиши кўзланмоқда. Мисол тариқасида, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида ёқилғи таъминоти мутахассислиги йўналишида ушбу дастурнинг жорий этилганини келтириш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, дастурни тузиш ишлари офицер Нозим Бабатаев бошчилигидаги мутахассислар томонидан амалга оширилди. Эндиликда унинг ёрдамида ҳарбий округлардан, ҳудудий таъминот марказларидан, ёқилғи омборхоналаридан ҳисоботларни, тезкор, аниқ ва бехато маълумотларни қабул қилиш, уларни қайта ишлашга эришилмоқда.

Яқинда Мудофаа Вазирлиги Ёқилғи таъминоти марказининг 2007 йилнинг 9 ойлик якунларига бағишланган йиғин ўтказилди. Унда масъул офицерлар Тўлқин Ҳикматуллаев, Ҳасанбой Абдураззоқов, мутахассислар – Оксана Сейтбалиева, Флора Оринбаева, Света Самсонова, Ирина Газиева ва бошқаларнинг маърузалари тингланди. Тадбир якунида Мудофаа Вазирлиги масъул ходими офицер Сафарали Мараимов сўзга чиқди ва йўлга қўйилган ёқилғи таъминоти тизими дастури улкан самара бераётганини, эндиликда ҳудудий озиқ-овқат таъминоти марказларини ташкил этишга ҳам киришилгани, дастурлаштириш ишлари бошлаб юборилганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Қуролли Кучларимизда жорий этилаётган бундай янгиланишлар мудофаа қобилиятимизнинг янада юксалишига хизмат қилибгина қолмай, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар таъсир кучини оширади, қамровини кенгайтиради.

Лейтенант Авазбек ЭРНАЗАРОВ.

ЮРАГИДА ВАТАН ТУЙҒУСИ

Ўрта бўйли, зуваласи пишиқ, ингичка мўйлови ўзига ярашиб турган офицер туман мудофаа ишлари бўлими ҳовлисида бўлғуси аскарларга жанговар хизмат, Қуролли Кучларимиздаги янгиланишлар, имтиёзлар ҳақида бериб ҳикоя қилди. Ватан туйғуси, эътиқодли, диёнатли, мард ва жасур, элюрти, миллати олдидаги бурч масъулиятини чуқур ҳис эта олган жангчигина унинг ҳақиқий ҳимоячиси бўла олиши, ўз ҳарбий бурчини намунали ўтай олиши, шунингдек, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш– бугуннинг асосий шиори эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Ёшларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берди.

Дилдан суҳбатлар ниҳоясига етганда, навбатчи кичик сержант Ўктам Раҳматов уни туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи ҳузурига чақираётганлигини айтди. Бахтиёржон соатига қаради. Ҳа, бугун катта ёрдамчиси, бўлим хизматчиси Алибой Фойибназаров билан вилоят бошқармасига бориб, заҳирадаги офицерлар ҳамда чақирилувчилар хусусида ҳисоботлар топширишлари лозим. Навбатдаги суҳбатдан мамнун қиёфада чақирилувчилар билан хайрлашар экан, биттабитта одим ташлаб, иккинчи қаватга, раҳбарнинг хонаси томон йўл олди...

Биз ҳикоя қилаётган офицер Бахтиёржон Турғунов аслида сўлим Фарғона водийсининг Бағдод туманидан. Қишлоғидаги 6-умумтаълим мактабини аъло баҳоларга битиргач, ҳунар-техника билим юртида таҳсил олди. Аскарлик хизматидан қайтгач, Фарғона Давлат педагогика институтининг «Бошланғич ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия» факультетига кириб ўқиди. 1994 йилдан эса ўқитувчи сифатида ёшларга жисмоний тарбия дарсидан сабоқ берди, ўқувчи ёшлар руҳиятини, ички дунёсини шу масканда обдон ўрганди. Тажриба тўплади. 1996 йилда Мудофаа вазирининг буйруғига асосан Боёвут тумани мудофаа ишлари бўлимига заҳирадаги офицерлар билан ишлаш бўлинмаси бошлиғи лавозимига хизматга юборилди.

Мана, орадан ўн бир йил ўтибдики, майор Бахтиёржон Турғунов боёвутлик ота-оналар, офицерлар ва чақирилувчи ёшларнинг энг яқин сирдоши, маслаҳатчиси ва мураббийсига ҳам айланиб қолди. Ширин сўзлиги, самимийлиги туфайли қишлоқ фахрийлари, оқсоқоллари, ота-оналарнинг ҳам ҳурматини қозонди. Айни пайтда у туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи ўринбосари сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Бахтиёржон ўз сафдошлари ҳамкорлигида мудофаа ишлари бўлимида мактаблар, лицей ва коллежларда ҳарбий ватанпарварлик мавзусида мулоқотлар, давра суҳбатлари, баҳс-мунозаралар уюштиришга доим бош-қош бўлади. Бундай хайрли тадбирларда унга заҳирадаги жонкуяр офицерлар – Боёвут тумани қишлоқ хўжалик коллежи ўқитувчиси Раҳмонали Бобоназаров, 4-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Орифжон Тошпўлатов, истеъфодаги ҳарбий хизматчи Маҳмуджон Мингбоев, 40- умумтаълим мактаби ўқитувчиси, тажрибали педагог Мирзақобил Эркабоев, узоқ йиллар туман мудофаа ишлари бўлимида хизмат қилган ёшлар мураббийси, истеъфодаги майор Алибой Фойибназаров, ёш офицер Фаррухжон Азимов кабилар турли мавзулардаги тадбирларни ташкиллаштиришда унга яқиндан кўмак беришмоқда.

–Туманимиз ёшлари орасида аскарлик бурчини муносиб даражада ўтаб тавсиянома асосида олий ўқув юртларига кириб таҳсил олаётганлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Чунончи, Толибжон Турдибоев ва Иброҳимжон Бекбоев Гулистон Давлат университетига, Тўрабек Қулжонов Ички ишлар академиясига, Шамсиддин Эгамбердиев Жисмоний тарбия институтига давлат гранти билан ўқишга киришга муваффақ бўлдилар. Туманимиздан муддатли ҳарбий хизматга чақирилган кўплаб аскарларнинг ота-оналарига қисм командирларидан раҳматномалар келмоқда. Биз бундан жуда хурсандмиз.

Бугунги кунда чақирилувчи ёшларимизни тиббий кўрикдан ўтказиш, соғлигини доимо назорат қилиб боришга катта эътибор қаратилган. Малакали врачлар, ҳамширалар, замонавий тиббий жиҳозлар улар хизматида. Кўпдан буён бўлимимизда ҳалоллик билан хизмат қилиб келаётган Абдулла Равшанов, Турсунали Бобоназаров, Инобатхон Азизхўжаева, Орзиқул Раҳмонқулов, Мўътабар Асророва, Галина Климовская сингари ишчи-хизматчиларимизнинг чақирув мавсумларидаги хизматлари катта.

Туман мудофаа ишлари бўлими жамоаси билан гаплашсангиз, ҳикоямиз қаҳрамони ҳақида «Бахтиёржон Турғунов фаол, билимдон, тажрибали офицерлардан. Хушфеъл, ниҳоятда камтарин ва камсуқум, ҳамкасбларидан ўз ёрдамини аямайди. Ҳарбий интизомга қатъий риоя қилади. Ҳарбий хизмат кўникмасини пухта ўзлаштирган. Шу боисдан ҳақли равишда боёвутлик ёшларнинг иззат-ҳурматига сазовор бўла олган», дейишади.

Дарҳақиқат, ўз она-Ватан олдидаги бурчини чуқур ҳис этган ҳарбий мутахассисгина касбини ардоқлайди, ватанпарварлик тарбиясини жуда муҳим вазифа деб билади.

Бахтиёржоннинг умр дафтарини безаган, ҳаётига янгича мазмун бахш этган, фарзандларининг суюкли онажониси Сайёрахон Назиржонова ҳам унинг ҳаётдаги сирдоши, ғамхўр суянчиғи. Саранжом-сариштали уй бекаси ҳамиша ўз турмуш ўртоғининг қувончу ташвишларига баб-баравар шерикдир.

Ҳа, биз ёшларимизнинг жисмонан камол топишида, ўзлигини англашида, улар қалбида она диёримизга меҳр-муҳаббат, фидоийлик туйғуларини уйғотишда муносиб ҳисса қўшиб келаётган Бахтиёржон Турғунов сингари офицерларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Ҳар бир ўзбекистонлик она юртимиз осмонининг ҳамиша беғубор, осуда ва мусаффо бўлишини, фуқароларимизнинг таҳликасиз яшашини орзу қилади. Ана шу орзуларнинг рўёбга чиқиши эса ўз умрининг мазмунини Ватаннинг содиқ ҳимоячиларини тарбиялашда деб билаётган жонкуяр офицерларимизнинг бехаловат хизматларига боғлиқ. Бахтиёржон Турғунов ана шундай фидокор, огоҳ ва бедор бўлиб яшаётган ҳарбийларимиздандир. Яқинда лавҳамиз қаҳрамони Мудофаа вазирининг буйруғига кўра, Сирдарё вилояти Сардоба тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиғи лавозимига тайинланди.

Биз бу фидойи офицернинг юрт тинчлиги, Ватан равнақи йўлидаги хизматларида муваффақиятлар тилаймиз.

Муҳаммад МЕЛИҚЎЗИЕВ.
Сирдарё вилояти, Боёвут тумани.

ЭЗГУ МАҚСАД САРИ

Йигитлик бурчини ўт ўчирувчилар гуруҳида ўтаётган оддий аскар Мамазокиров хизматдаги муваффақиятлари, ўз вазифасига сидқидилдан ёндашуви сабаб, командирлари ҳурмати ва ишончини қозониб келмоқда. Келажакда иқтисодчи бўлишни ният қилган юрт посбонининг қисм кутубхонасидан кўпроқ иқтисодиёт фанига алоқадор адабиётлар олиши табиий ҳолдир.

– Олий ўқув юртига ўқишга киришга бўлаётган муддатли ҳарбий хизматчиларга тест синовлари учун тайёргарлик кўришда зарур шарт-шароитларнинг яратилганидан сафдошларим қатори мен ҳам жуда хурсандман, – дейди оддий аскар Ўткирбек Мамазокиров. – Қолаверса, кутубхонамизда зарур ўқув қўлланмалари ва адабиётлар мавжудлиги пухта ҳозирлик кўришимизда муҳим ўрин эгаллайди.

Дарвоқе, талаба бўлишни орзу қилаётган муддатли ҳарбий хизматчи гуруҳнинг энг илғор ўт ўчирувчисидир. Алоқа воситаларини қўллаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бобида ҳам кўплаб сафдошларига ўрнак бўлмоқда.

Командирларининг таъкидлашича, оддий аскар етакчи посбонларга тақдим этилувчи Тавсияномани қўлга киритишга асосий даворгалардан саналади. Яхши билсизки, уч йилгача амал қилувчи ушбу ҳужжат соҳиби олий ўқув юртларига ўқишга киришда имтиёзга, тест синовларида тўпланиши мумкин бўлган умумий баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балларга эга бўлади. Ким билар, балки айнан ўша имтиёз унинг талаблар қаторига қўшилишига сабабчи бўлар.

Бошланган янги ўқув йилини намунали хизмати ва кўтаринкилик билан қарши олишни мақсад қилган ўғлон, мана, бунинг уддасидан чиқди. Аслида, Ўткирбекнинг ҳаётий шиори ҳам фаолияти, хизматида ўз аксини топган. Яъни, аввало, ўз олдига шахсий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда мақсад қўйиш ҳамда унга эришиш йўлида бор куч ва билимини сафарбар этишдир.

Фикрлари теран ҳамда ўз қарашларини дадил ифодалашга одатланган Ватан ҳимоячиси хизматга қадар спортнинг оғир атлетика тури билан шуғулланган. Шунинг учун бўлса керак жисмоний тайёргарлик, айниқса билаклар кучини ишга солишни талаб қиладиган машғулотлар пайтида қуролдош дўстларининг олқишига сазовор бўлмоқда.

Оддий аскар Ў. Мамазокировнинг айни пайтдаги бутун диққат-эътибори ҳарб илми сир-асрорларини пухта ўзлаштиришга, машғулотларда фаол иштирок этишга қаратилган.

Катта лейтенант
Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.

POSBON BO‘LAR YIGITNING MARDI

ISHONCHNI OQLAYMAN

O‘g‘il tug‘ilganida etti qavat yer ostidagi toshlarga qadar quvonadi, deydi momolarimiz. Bunday xalqona naql bejiz aytilmaydi. Chunki Vatanga egalik qilish, kerak bo‘lsa tog‘u toshlarni Farhoddek talqon qilish qudrati o‘g‘lonlarimizga nasib etgan. Shu sababli askarlik burchidek ulkan mas’uliyat ham ular zimmasida.

Oddiy askar Isroil Hamroyevning sharafli vazifani ado etayotganiga mana, to‘qqiz oy bo‘layapti. Posbonlar bilan suhbat davomida sezamanki, armiya xizmatining yigitlar hayotidagi o‘rni beqiyos. Nega deganda, er yigit maqomiga ega bo‘lishning muhim shartlaridan biri aynan xizmat sinovlarida toblanishdir.

Askarlarning a’lochilar safidan joy egallashi Vatanga bo‘lgan muhabbati bilan belgilansa ajabmas. Chunki yurtiga, xalqiga mehri ziyoda posbon xizmat burchini chin yurakdan o‘tashi. O‘zini har jabhada ko‘rsata olishi sir emas. Isroilning mana shunday posbonlar sirasidan ekanligini qism komandiri alohida ta’kidlab o‘tdi.

Bunga bir qator sabablar bor, albatta. Bo‘ladigan bola boshidan ma’lum deganlaridek, u xizmatning ilk davridanoq o‘zini ko‘rsata oldi. Qorovullik xizmatida hushyor va sergakligi sabab, jangovar vazifani a’lo darajada bajargani uchun qism komandiri tomonidan Faxriy yorliq bilan taqdirlandi. Mashg‘ulotlar jarayonidagi faolligi, qism miqyosida o‘tkazib kelinayotgan sport musobaqalarida erishgan yutuqlari g‘ayratli posbonni a’lochilar safiga qo‘shdi.

– Yigit kishi uchun o‘ziga buyrilgan ishonchning o‘rni katta, – deydi oddiy askar Hamroyev suhbat chog‘ida. – Men xizmatda nafaqat jismonan, balki ma’nan shakllanganimni his qildim. O‘zimga bo‘lgan talab va ishonchim ortdi. Safdosh do‘stlarim oddiy askarlar Hamid Qalandarov, Inom Berdiyev, Bahtiyor G‘oziyevlar ham hayot maktabi atalmish armiya safida ko‘p narsaga erishganligini doimo takrorlashadi. Buning sababi – davlatimizning milliy armiyamizga uning shaxsiy tarkibiga berayotgan e’tiboridir. Tajribali ustoz ofitserlardan harb ilmi sirlarini egallab borayapmiz. Intellektual salohiyatimiz o‘sishida ijtimoiy-siyosiy mashg‘ulotlarning o‘rni katta bo‘lmoqda. Jismonan chiniqishimiz uchun sport maydonchalari doimo shay. Bunday sharoitda har qanday posbon albatta o‘zidagi bor imkoniyatlarni yuzaga chiqara oladi.

Shuningdek, men bo‘sh paytlarimda kitob mutolaasiga qiziqaman. Bu borada harbiy qism kutubxonasi bizga katta ko‘makdosh. Bunday paytlarda men nafaqat badiiy adabiyotlar, balki yurtimiz tarixi bilan bog‘liq o‘quv qo‘llanmalaridan foydalanishga ham harakat qilaman. Chunki ulkan maqsadlarimdan biri xizmatni a’lochilar safida yakunlab, qo‘mondonlik tomonidan beriladigan tavsiyanomaga ega bo‘lish. Bu orqali ma’lum imtiyoz bilan oliy o‘quv yurtiga o‘qishga kirib, kelajakda o‘zim qiziqqan qishloq xo‘jalik sohasida faoliyat yuritish.

Isroiljon Pastdarg‘om tumanining Chortut qishlog‘ida voyaga etgan. Dalalarga, yerga mehri tutash qishloq farzandlarida qishloq xo‘jalik sohasiga bo‘lgan qiziqish bir qadar yuqori bo‘lishi tabiiy hol. Harbiy xizmatda – shaxsiy tarkib orasida o‘rin topgan yigit qaysi kasb egasi bo‘lmasin eng ilg‘orlardan sanalishiga shubha yo‘q. Oilada to‘rt o‘g‘ilning kenjasi bo‘lgan a’lochi posbon Mamatqul aka va Farog‘at opalarning umidi, ishonchini yuzaga chiqaruvchi ishongan tog‘i ekanligini ham anglab turishi aniq. Aytmoqchimizki, unga ko‘z tutib turgan yaqinlarining ishonchi ham posbon uchun katta tayanch.

Suhbat davomida oddiy askar Isroil Hamroyev erishgan barcha yutuqlari uchun harbiy jamoadagi ustozlariga o‘z minnatdorchiligini bildirib o‘tdi. Xizmati davomida ularning ishonchini oqlashga, yanada g‘ayrat va ishtiyoq ila xizmat qilishga va’da berdi.

Zulfiya NOSIROVA.

POSTLARIDA SERGAK O‘G‘LONLARIMIZ

Dunyodagi, mintaqadagi vaziyat mamlakatimiz taqdiri va kelajagi uchun befarq bo‘lmagan har bir insondan hushyor, segrak va ogoh bo‘lishni talab etadi. Ma’lumki, bu borada Qurolli Kuchlarimizning jangovar tayyorgarligini mustahkamlashga, davlatimiz sarhadlarini qo‘riqlash va himoyalashni kuchaytirishga, mavjud kuch va imkoniyatlarimizni mazkur maqsad yo‘lida safarbar qilishga ulkan e’tibor qaratyapmiz.

Vatan himoyachilarining xizmat burchlarini ogohlik, sergaklik bilan o‘tashayotgani, qo‘riqlash bilan bog‘liq xizmatni nizomlar asosida aniq, ishonchli olib borishayotgani ularning yurtimiz, xalqimiz taqdiriga, istiqlolga, istiqbolga befarq emasliklarini, bu yo‘ldagi har qandayin xavf-xatarga ko‘ksini qalqon qilishga shay ekanliklarini isbotlaydi.

Shartnoma bo‘yicha xizmat oddiy askari granatomyotchi Ulug‘bek Tursunxonov, muddatli xizmat oddiy askari o‘qchi posbon Odil Quvonovlarni ana shundayin o‘g‘lonlar sirasidan, desak mubolag‘a qilmagan bo‘lamiz.

Qo‘riqlanayotgan ob’ektga noma’lum kimsa yaqinlashdi. O‘z postida sergak posbonlar tartibbuzarni darhol sezishib, aniq, ishonchli harakat qilishdi. Tabiiyki, tartibbuzar qarshilik ko‘rsatishga urindi. Biroq hayot maktabida toblangan o‘g‘lonlar mardlik, matonat, burch mas’uliyatidan kuch olishib, jangovar vazifani sharaf bilan ado etishdi. Tartibbuzarni qo‘lga olishib, tinchligimiz, osoyishtaligimizga dahl solishga uringan kimsani to‘xtatishdi.

Mudofaa vazirining birinchi o‘rinbosari – Qurolli Kuchlar birlashgan shtabi boshlig‘ining buyrug‘iga binoan qo‘riqlanayotgan ob’ektda hushyorlik bilan xizmat vazifasini bajargani, qoidabuzarni ushlashda mardlik, jasorat namunalarini ko‘rsatgani uchun har ikkala posbon esdalik nishonlar bilan taqdirlanishdi.

Bundayin ibrat, namuna yangi o‘quv yilini ko‘tarinki kayfiyatda boshlashgan posbonlarni jangovar shaylikka, o‘z postida sergak turib, xizmat vazifasini bajarishga undashi shubhasiz. Qolaversa, yurtimiz himoyachilari mashg‘ulotlarga harbiy islohotlarning faol ishtirokchisi bo‘lish, fuqarolarning tinchligi va osoyishtaligini, Vatan sarhadlarining daxlsizligini ishonchli himoya qilish, harbiy texnika va qurol-yarog‘lardan samarali foydalanish borasidagi ko‘nikmalar va kasbiy bilimlarni takomillashtirib borish, harbiy-texnik mulkni asrash – har bir harbiy xizmatchining burchi, shiori ostida kirishishdi. Bu ularni jangovar, kasbiy mahoratning yangi-yangi qirralarini egallashga da’vat etib turadi.

“Eng katta boyligimiz bo‘lgan mustaqilligimizni, xalqimizning tinch-osoyishta hayotini himoyalashni farzandlik burchim, deya hisoblaganman. Agar bu mezonlarga ko‘z olaytiradigan bo‘lsa, munosib zarba berishga hamisha shayman”, deydi oddiy askar Odil Quvonov.

Yuraklarida sadoqat tuyg‘usi jo‘sh urib turgan bundayin o‘g‘lonlar bilan har qancha faxrlanishimiz, g‘ururlanishimiz mumkin. Yurtimiz himoyachilarining tinchlikni saqlash yo‘lidagi eng muhim, asosiy quroli ogohlik, sergaklik ekan, tanlagan yo‘limizdan, orzu-niyatlarimizdan hech kim bizni qaytara olmaydi.

Safar ALIYEV.

Qishki o‘quv mavsumini ko‘tarinki ruhda qarshi olgan, yakuniy sinovlardan muvaffaqiyatli o‘tgan posbonlar ilk mashg‘ulotlardanoq faollikni oshirmoqdalar. Zero, yuqori jangovar shaylikka tayyorgarlik turlaridan ko‘riladigan doimiy hozirlik, harb ilmi borasidagi ko‘nikmalarni shakllantirish hamda safdoshlar o‘rtasida o‘zaro musobaqadoshlik muhitini kuchaytirish orqali erishiladi. Qolaversa, yangi o‘quv yili shiorida belgilangan ustuvor vazifalardan biri, ya’ni, fuqarolarning tinchligi va osoyishtaligini, Vatan sarhadlarining daxlsizligini ishonchli himoya qilish ham aynan Vatan himoyachilarining o‘z burchi va vazifasiga bo‘lgan mas’uliyat hissini oshirish yordamida ta’minlanadi.



Komoliddin TO‘RAEV olgan surat.

MULKU

MAMLAKAT, SIPOHU RAIYAT AHVOLIDAN XABARDOR VA OGOH BO‘LIB TURISH TUZUGI

Har bir sarhad, viloyat, shahar va lashkarda habar yozuvchi (xabarnavis)lar tayin qilsinlarki, hokimlar, raiyat, sipoh o‘zining va yot-begona lashkarning xatti-harakati haqida meni xabardor qilsin. Atrofdan kirgan-chiqqan mol-mulk, chetdan kirgan va chetga chiqqan yot kishilar, har mamlakatdan kelgan karvonlar va hukmdorlik haqidagi xabarlar, qo‘shni podsholar, ularning gaplari, ishlari va uzoq o‘lkalardan bo‘lib, mening dargohimga yuzlangan ulamo, fuzalo haqidagi batafsil xabarlarni rostlik-to‘g‘rilik bilan menga yozib tursinlar. Agar bunga hilof ish tutganday bo‘lsalar, (bo‘lib o‘tgan) voqealarni yozmasalar, yozuvchining xabar yozgan barmoqlari kesilsin. Agar xabar yozuvchi sipoh ishlarini yashirib, xabariga boshqa libos kiygizib (yolg‘on) yozgan bo‘lsa, unda ham qo‘lini kessinlar. Agar yolg‘on xabarni tuhmat yoki biron g‘araz bilan yozgan bo‘lsa, uni qatl etsinlar va yana amr etdimki, ushbu xabarlarni kunma-kun, haftama-hafta, oyma-oy mening arzimga etkazib tursinlar.

Amr qildimki, mingta tezyurar tuya mingan, mingta ot mingan yelib-yuguruvchi kishini chopqunchi, ming nafar tezyurar piyodani (chopar) etib tayinlasinlarki, turli mamlakatlar, sarhadlarning xabarlarini, qo‘shni hukmdorlarning maqsadlari va niyatlarini bilib, xuzurimga kelib, xabar qilsinlar. Toki biron voqea, kor-hol yuz bermasidan burun chora va ilojini qilaylik. Chunonchi, To‘htamiqonning O‘rusxondan yengilgani haqida menga xabar keltirganlarida, endi huzurimga panoh izlab kelishini bildim. (Shuning uchun) O‘rusxonga qarshi jang qilishga tayyorlana boshladim va To‘htamiqonga yordam berdim. (Shunga o‘xshash) yana bir misol Xindistonni zabt etish uchun yo‘l olganimda, bu o‘lkaning har bir viloyatida alohida hokim yoki voliy saltanat tahtida o‘ltirgani haqida menga xabar keltirdilar. Chunonchi, Multon o‘lkasida Malluxonning inisi Sorang, Dexlida Sulton Mahmudxon saltanat bayrog‘ini yoygandi. Lohur nohiyasida Malluxon lashkar to‘plagandi, Qunuj viloyatida bo‘lsa Muborakxon saltanatga da’vogarlik qilib bosh ko‘targan edi. Qisqasi, Xindistonning har bir viloyatida biron-bir kimsa saltanat toju taxtiga da’vogarlik qilardi. Bu xabar qulog‘imga yetgach, bu mamlakatni zabt etishim oson tuyuldi. Chunonchi, Xindistonni zabt etgan vaqtimda Qaysari Rum mening ba’zi mamlakatlarimga chopqun qilgani, gurjilar bo‘lsa o‘z yurtlari chegarasidan tashqari chiqib, mening lashkarlarim qamal qilib turgan ba’zi qal’alarga borib, ularning ichidagi odamlarga yordam berayotgani haqida xabar keltirdilar. O‘z-o‘zim bilan kengashib, agar Xindistonda ko‘proq turib qolsam, Eron mamlakatiga ham zarar yetishi mumkin, dedim. Shuning uchun Xindiston poytaxtidagi ishlarimni tezda tartibga keltirib, yurish boshladim. Yo‘lda bir necha kun Movarounnahrda to‘xtadim. U yerda Rum va Gurjiston tomon yo‘l oldim. O‘sha mamlakatlarning barisini zabt etdim.

«Temur tuzuklari» dan (Davomi bor).

Yondaftarchangizga

ASKARNING MAJBURIYATLARI

Askar tinchlik va urush davrida: o‘z zimmasiga yuklatilgan majburiyatlarni va unga berilgan topshiriqlarni aniq va o‘z vaqtida bajarilishi uchun, shuningdek, o‘z qurolining, unga ishonib topshirilgan harbiy texnikaning ishga yaroqli holati va unga berilgan mulkning saqlanishi uchun javob beradi.

Askar:

– o‘zining Qurolli Kuchlar jangchisi burchini teran anglashi, harbiy xizmat majburiyatlarini namunali bajarishga; komandirlar (boshliqlar) nimani o‘rgatsa, barchasini egallashga;

– o‘zi to‘g‘ridan-to‘g‘ri boshliqlarining, brigada komandirini qo‘shgan holda, lavozimini, harbiy unvoni va familiyasini bilishga;

– komandirlar (boshliqlar) va kattalarni hurmat-izzat qilish, xizmat bo‘yicha – o‘rtoqlarning or-nomusi va qadr-qimmatini e’zozlash, askariy xulq, yurish-turish va harbiycha salomlashish qoidalariga rioya etishga;

– o‘zini kun sayin chiniqtirib borish, o‘z jismoniy tayyorgarligini takomillashtirish, shaxsiy va jamoat gigienasi qoidalariga rioya qilishga;

hamisha rusum bo‘yicha va saranjom-sarishta kiyinishga;

– qurollar va harbiy texnikani mukammal bilish va har doim ishga yaroqli, toza, jangga shay holatda turishga;

– kiyim-kechak va oyoq kiyimni asrab kiyish, ularni o‘z vaqtida va pishiq-puxta tuzatish, ko‘rsatilgan joyda har kuni tozalash va saqlashga;

– qurol bilan muomala qilayotgan paytda, texnika bilan ishlashda va boshqa hollarda, xavfsizlik talablarini, shuningdek, yong‘indan saqlanish talablarini qat’iy bajarishga;

– brigada qarorgohi hududida ma’lum vaqt biror yoqqa chiqish zarur bo‘lgan hollarda bo‘lim komandiridan ijozat so‘rash, qaytgandan so‘ng esa kelgani to‘g‘risida unga bildiruv berishga;

– brigada qarorgohidan tashqarida yurgan paytda qadr-qimmati va obro‘sini bilish, jamoat tartibini buzishga va noharbiy aholiga nisbatan nojo‘ya ishlarga yo‘l qiymaslikka majburdir.

YUTUQLAR ORZUGA ELTADI

Yurt posboni. Bu sharafli nomga erishgan oddiy askar Zohidjon Sherov, mana yarim yildirki, Qurolli Kuchlarimiz saflarida. U milliy armiyamizdagi ilk kunlarini eslar ekan, go‘yo vaqt osha ortga qaytgandek, hayajon bilan shunday deydi:

– Harbiycha hayot tarzi, harbiy xizmat to‘g‘risida askarlikdan qaytgan mahalladoshlarimdan ko‘p eshitgandim. To‘g‘risini aytganda, ularga turli savollar berib, sal joniga tekkan paytlarim ham bo‘lgan. To‘la ishonch bilan ayta olamanki, ko‘rganlarim eshitganlarimdan zuyoda bo‘lib chiqdi.

Xizmatni boshlamasimdan oldinoq yigitlik burchimga hurmatim, qiziqishim ortib ketdi. Axir bayramona tantanali kuzatuv hamda harbiy qismda kutib olish marosimlaridan ta’sirlanmay, taassurotlarsiz qaytish mumkinmi? Ayniqsa, komandirlarning biz – yosh askarlarga bo‘lgan g‘amxo‘rliklari, do‘stona munosabatidan so‘ng harbiylikka mehrim tushdi.

Muddatli harbiy xizmatchining yuqoridagi fikrlaridan kelib chiqqan holda kelgusida aynan shu kasbda faoliyat ko‘rsatishni istashi haqidagi taxminim, suhbatimiz davomida o‘z tasdig‘ini topdi. U Toshkent oliy umumqo‘shim qo‘mondonlik bilim yurtiga o‘qishga kirmoqchi.

Zohidjon kursantlikka faqat niyat, orzu qilish bilangina erishib bo‘lmasligini yaxshi biladi. Shuning uchun ham bevosita komandirlari yordamida tayyorgarlik ishlarini allaqachon boshlab yuborgan o‘g‘lonning butun diqqat-e’tibori yangi o‘quv yilini xizmatdagi ulkan yutuqlar bilan qarshi olishga, qolaversa, namunali posbonlar safidan munosib o‘rin egallashga qaratilgan.

Darvoqe, harbiy qism miqyosida bosh Qomusimizning 15 yilligiga bag‘ishlab o‘tkazilgan sport musobaqalarida oddiy askar Sherov sovrindorlar qatoriga kirib, jismoniy jihatdan tayyorgarlik darajasi yuqori ekanligini isbotladi.

Turli bayram va tadbirlarda o‘tkaziluvchi nafaqat sport, balki boshqa yo‘nalishdagi musobaqalarda ham g‘alabaga bo‘lgan kuchli ishtiyoqi hamda puxta hozirligi sabab, birinchilikni safdoshlariga bermay kelayotgan yigitga xizmatida omadlar hamda o‘zi orzu qilganidek, oliy harbiy bilim yurt kursanti bo‘lishni tilab qolamiz.

Katta leytenant To‘lqin JUMANAZAROV.
Bahrom ABDURAHIMOV suratga olgan.

Harbiy-texnika yangiliklari

HAMKORLIK MAHSULI


Germaniyaning MLRS rusumli zalp bilan (baravariga) o‘t ochish reaktiv tizimi AQSHda yaratilgan va 1983 yilda harbiy hamkorlik doirasida tashkil etilgan. Mazkur reaktiv tizim artilleriya batareyalari, zirhli jangovar mashinalar, ochiq joyda to‘plangan dushmanning tirik kuchi va harbiy texnikasi, havo hujumidan mudofaa vositalari, qo‘mondonlik punktlari, aloqa uzellari va boshqa nishonlarni yakson qilish (yopiq o‘t ochish pozitsiyalaridan otish orqali), ikkinchi variant sifatida esa – tanklarga qarshi minalar qo‘yish uchun mo‘ljallangan.

MLRSning asosiy texnik-taktik tavsiflari quyidagicha: jangovar og‘irligi 26 t, shosse bo‘ylab eng yuqori yurish tezligi soatiga 60 km., yurish zaxirasi 480 km., o‘t ochish uzoqligi 10 – 60 km., jangovar o‘t ochish tezligi 50 soniya ichida 12 ta otish, qayta o‘qlash vaqti 10 daqiqa atrofida, shassisi M2-M3 «Bredli» rusumli piyodalar jangovar mashinalari oilasi bazasi asosida tayyorlangan, boshqarilmaydigan reaktiv snaryad (BRS) kalibri 227 – 237 mm, yo‘naltiruvchilar miqdori 12 ta, ekipaj 3 kishidan iborat.

Reaktiv tizim engib o‘ta olishi mumkin bo‘lgan to‘siqlar: ko‘tarilish burchagi 30 gradus, balandligi 1m. bo‘lgan devor, eni 2,29m. bo‘lgan zovur. Geometrik o‘lchamlari: uzunligi 7 m., eni 3,1 m., balandligi 2,89 m.

Birinchi variantda qo‘llash vaqtida boshqarilmaydigan reaktiv snaryad qalinligi 100 mm.gacha bo‘lgan zirhni teshishga qodir bo‘lgan 644ta M77 tipidagi kumulyativ-oskolkali jangovar unsur (element)dan iborat bo‘lgan jangovar qism bilan to‘ldiriladi. Bitta o‘t ochish qurilmasi zalpi bilan 25.000 kv.m atrofidagi maydonda 772 ta ana shunday unsurlar nishon rayoni ustida tarqaladi. Ikkinchi variantda BRS topshirilgan rayonga yetib kelayotganda, 1200 m atrofidagi balandlikda maxsus kam quvvatli zaryad yordamida yettita konteyner (kasseta) tashlanishi sodir bo‘ladi, so‘ng ularning ichidan minalar otilib chiqadi (har bir konteynerda 4ta tankka qarshi, 140 mm. qalinlikdagi zirhni teshib o‘tadigan AT2DM1399 tipidagi minalar bor) va parashyutda yerga tushadi. Erga yaqinlashganda parashyut ajraladi, tushgan mina esa prujinali qo‘lchalar yordamida jangovar holatga (kumulyativ voronka yuqoriga qarab) joylashadi. Reaktiv tizimning ikkita to‘liq zalpi 2000X115 m atrofidagi maydonda 672 ta minadan iborat minalar to‘sig‘ini yuzaga keltiradi.

(«Zarubejnoye voennoye obozreniye»jurnali materiallari asosida tayyorlangan).



МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ

ХИЗМАТДАН ҚАЙТГАН ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР

Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу келажагимиз учун қудратли кучдир. Фарзандларимизга берилаётган катта эътибор, кенг имкониятлар негизида юртимиз истиқболи яратилмоқда, десак хато бўлмайди. 2008 йилнинг Юртбошимиз томонидан «Ёшлар йили» деб эълон қилинишида ҳам катта мазмун, моҳият бор шубҳасиз. Шу ўринда йигитларимиз учун олий бурч саналмиш армия хизмати уларнинг ҳаётида муҳим аҳамият касб этаётганига гувоҳмиз. Ёшларни хизматга тайёрлаш жараёнидан бошлаб, тантанали кузатиш, хизмат жараёнида ҳар томонлама мукаммал сабоқ бериш, аълочи посбонларга хизматдан сўнг олий ўқув юртларида таҳсил олишлари учун тавсияномалар тақдим этиш каби бир қатор ғамхўрликлар мавжудки, буларнинг ҳар бири хусусида узоқ тўхталиш мумкин. Ушбу мақоламизда эса «ҳаёт мактаби»да тобланиб қайтган ўғлонларнинг давлатимиз томонидан иш билан таъминланишлари хусусида сўз юритишга қарор қилдик.

Агар йигитларимизни хизматга кузатиш ва кутиб олиш жараёнларида иштирок этган бўлсангиз, уларнинг бир жиҳатига эътибор қилганингиз аниқ. Яъни хизмат қилиш иштиёқи баланд, бир оз шошқалоқ йигитлар бир йилдан сўнг хизматда ҳар томонлама тобланган, вазмин, ўзига ишонган, аниқ мақсадли инсон сифатида қаршингизда туради. Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг ушбу сўзларини эслаш кифоя: «Минглаб ёшлар учун армия сафларида хизмат қилиш уларнинг шахс сифатида шаклланишида ўзига хос пойдевор бўлмоқда, ҳаёт йўлларини танлашда, олий маълумот, шу жумладан, ҳарбий маълумот олишда кенг имкониятлар очиб бермоқда. Бугунги кунда айнан мана шу ёшлар мамлакатимизнинг пухта тайёрланган кадрлар заҳирасини, Ўзбекистон келажагининг таянчи ва суянчини ташкил этмоқда».

Ҳа, бугун резервга бўшатилган йигитлар турли соҳаларда хизмат қилиб нафақат тинчлигимиз, балки юрт ривожини белгиловчи иқтисодиётимизга ҳам муносиб таянч бўлаётганлигини таъкидлаш жоиз.

ЯКДИЛЛИКДА ҲАРАКАТ ҚИЛАЯПМИЗ

Фарғонада бўлганимизда муддатли хизматдан қайтган йигитларнинг бандлик ҳолати билан қизиқдик.

– Хизматдан резервга бўшатилган ўғлонларимизни кутиб олиш жараёнидаёқ уларнинг келгуси режалари билан қизиқамиз, – дейди Фарғона вилояти мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи офицер Мамарайим Қодиров. – Уларнинг маълум қисми хизматга қадар олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлганлиги учун ўз йўналишлари бўйича ишлаш истагини билдиришади. Тавсияномa билан қайтган йигитлар эса албатта ўқув юртларига ҳужжат топширишади.

Шунингдек, йигитларнинг кўпларида ҳарбий хизматни шартнома асосида давом эттириш истаги ҳам мавжуд. Резервга бўшатилганлар ўз истак ва иқтидорларига қараб турли ташкилот ва муассасалар, фермер хўжаликларда иш билан банд бўлишади. Бунинг учун улар хизматдан қайтишганидан сўнг ўзлари яшаб турган туман ва шаҳар мудофаа ишлари бўлимлари томонидан ҳарбий ҳисобга олиниб, иш билан таъминланишлари учун имконият яратилади. Биз эса ҳар ҳафта мудофаа ишлари бўлимлари билан боғланиб, бу борада қилинаётган ишлар кўламидан хабардор бўлиб, тавсиялар бериб борамиз.

Бизнинг турли ташкилот ва жамғармалар билан алоқа боғлаганимиз ҳам хизматдан резервга бўшатилганларни иш билан таъминлашда катта ўрин тутмоқда. Айниқса вилоят ва туман ҳокимликлари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Маҳалла» жамғармасининг ёрдамини алоҳида айтиб ўтиш лозим. Мақсадимиз, муддатли хизматни ўтаб қайтган йигитларга ҳаётда ўз ўринларини топишларида яқиндан таянч бўлиш.

Биз «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят бўлимида бўлганимизда бир қатор янгиликларга дуч келдик.

– Олдимизда турган асосий вазифа вилоятимиз ёшларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, – дейди «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлимининг масъул ходими Тоҳиржон Шокиров. – Муддатли хизматдан тавсиянома билан қайтиб талаба бўлган йигитлар учун «Жасорат» талабалар гуруҳи тузганмиз. Бунга сабаб уларни бирлаштириш, камолотчилар томонидан олиб борилаётган эзгу-ишларга жалб этиш. Ўтган йил давомида тавсиянома билан қайтган йигитларимиздан 279 нафари олий ўқув юртига ўқишга киришга муваффақ бўлди. Уларнинг шартнома асосидаги тўлов пулининг 35 фоизини тўлаб келаяпмиз. Шу кунга қадар «Камолот» ЁИҲнинг вилоят бўлими томонидан 50 миллион сўмдан зиёд пул ажратилди. Албатта хизматдан қайтган оловқалб ўғлонларимизнинг иш билан таъминланишлари учун ҳам яқиндан ёрдам бериб келаяпмиз.

ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ҳарбий хизмат муддатини ўтаб резервга бўшатилган ёшларни ишга жойлаштириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш Андижон вилоятида қай даражада амалга оширилмоқда? Шу мақсадда вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи офицер Рафук Қодировни суҳбатга тортдик.

–Муддатли ҳарбий хизматдан бўшаган фуқароларни иш билан таъминлаш тадбирларини ташкил этиш бўйича Республика Бош вазири томонидан тасдиқланган режа ва Мудофаа вазирининг тегишли буйруғига асосан белгиланган талаблар асосида иш олиб бораяпмиз, – дейди офицер Қодиров саволларимизга жавоб қайтарар экан. – Аввало Мудофаа вазирининг буйруғи талаблари ўрганилиб, шахсий таркибга етказилди. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари билан ҳамкорликда резервга бўшатилган ҳарбий хизматчиларни иш билан таъминлаш тадбирларини ташкил қилиш режаси тузилди ва улар ҳақида тўлиқ маълумотлар тайёрланди. Резервга бўшатилган йигитлар эгаллаган касби, маълумоти, иқтидорига қараб корхона, ташкилот ва муассасаларга ишга жойлаштирилмоқда. Тадбиркорлик йўналишида меҳнат қилаётган ишбилармон йигитларимиз ҳам маълум фоизга эга.

Улар орасида олий ва ўрта махсус таълим даргоҳларига ўқишга кирган ва ўз истаклари билан шартнома асосида ҳарбий хизматда қолганлар резервга бўшатилганларнинг 15–20 фоизини ташкил этмоқда.

Бизга ҳар икки вилоят мудофаа ишлари бошқармасида ҳам вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси билан ҳамкорликда 2007 йил баҳорда резервга бўшатилган йигитларни ишга жойлаштириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги маълумотномани тақдим қилишди. Улар билан танишиб хизматни ўтаб қайтган ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан мамнун бўлдик. Чунки ўғлонларимизнинг деярли барчаси турли ўқув даргоҳларида билим, ўзига муносиб касб эгаллаш ва меҳнат билан банд. Бу эса ҳарбий хизмат нуфузининг ортаётганини шарафли бурчни ўтаганлар эътиборда эканлигини кўрсатади.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

Культурная жизнь

ВЫСТАВКА В МУЗЕЕ

В преддверии Дня Конституции в Центральном Музее Вооруженных Сил Республики Узбекистан открылась новая художественная выставка.

По сложившейся традиции на полотнах, представленных на вернисаже, – образ Родины. Красота и богатство родной природы и человека, вехи истории, обычаи народа – все это неисчерпаемые источники вдохновения. Разнообразие тем, творческих подходов и обилие средств – масло, акварель, пастель, тушь – характеризуют диапазон художников.

Красота природы в различные времена года – любимая тема произведений многих мастеров. Авторы работ как бы приглашают зрителя в волшебную страну, где открываются все богатства родной земли, пряный запах осенних листьев и аромат первого снега, очарование красот и звуков.

– Работы Геннадия Серова «Осень. Акташ», «Хорезм. Лазги», Риксибая Аюпова «Осень в Кумышкане», «Кишлак в горах», Натальи Ильченко «Бричмулла», Равиля Шарафутдинова «Осенний мотив», – говорят молодые поклонники живописи курсанты Ташкентского Высшего общевойскового командного училища Санжар Ашуров, Сардор Маматкулов, Ботир Максудов, Дилмурод Жумаев, – оставляют неизгладимое впечатление, словно окунаешься в данный романтический оазис, черпаешь необъяснимую энергетическую силу.

– Художник Икрам Бахромов представил две работы: портрет «Мадины» и портрет «Мухаммад-ата», – делится впечатлениями сотрудник Музея Алла Гесейнова, где каждый образ индивидуален и глубоко психологичен, записан мастерски и с огромной симпатией. Бахромов – личность неординарно мыслящая, он постоянно находится в творческом поиске и это несмотря на огромный опыт и заслуженное признание. Народный художник Узбекистана Икром Бахромов награжден орденом «Шухрат».

Натюрморты, представленные на выставке, выполнены в национальном колорите. Работы Валерия Утешева «Натюрморт с дынями» и Владимира Зайцева «Натюрморт с виноградом» создают атмосферу тепла, уюта, праздника.

На выставке представлено более 30 работ художников Узбекистана. Выставка продлится еще месяц, представленные работы ждут всех желающих.

Посетите Музей и вы, несомненно, получите неисчерпаемые источники вдохновения!

Капитан Хасан МИРЗАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **Бахрома АБДУРАХИМОВА.**



Фотовыставка

УЗБЕКИСТАН – СЕРДЦЕ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

На исходе года художественная жизнь Узбекистана ознаменовалась несколькими яркими событиями. В Галерее изобразительного искусства Национального банка Республики Узбекистан прошла выставка картин Инны Кулагиной «Отражение». Это двенадцатая выставка художницы, своеобразный итог десятилетнего творческого пути. Инна родилась и выросла в Ташкенте, училась в Республиканском художественном колледже, секреты изобразительного искусства постигала у таких известных художников, как Владимир Бурмакин, Янис Салпинкиди.

Неповторимые по красоте пейзажи родной страны, древние архитектурные памятники, народные обычаи и традиции выставлялись не только в нашей республике, но и на международных экспозициях в Германии, Великобритании, Гондурасе.

– В последние годы мне довелось пожить в разных странах, – говорит Кулагина. – Вдали от Родины особенно явственно поняла, что я – узбекистанский художник. Именно в Узбекистане сложилась и развивается своя уникальная художественная школа, которую представляет и мое искусство.

Своеобразие нашей, узбекистанской жизни особенно ярко заметно, когда смотришь не нее глазами зарубежных гостей. На смену экспозиции Кулагиной в Галерее изобразительного искусства Национального банка Республики Узбекистан в Ташкенте 6 декабря открылась, ставшая уже традиционной, третья ежегодная фотовыставка «Узбекистан – сердце Центральной Азии».

Первая фотовыставка была организована в 2005 году, и тогда ее тема была сформулирована как «Отражение развития». В представленных работах нашли отражение процессы развития, изменения, происходящие в Узбекистане. Тема второй фотовыставки, проведенной в 2006 году, – «Ценности развития». Фотографии на этой выставке были посвящены связи поколений, здоровому образу жизни, развитию спорта, медицины. В этом году в фокусе фотовыставки «Узбекистан – сердце Центральной Азии» уникальная культура и вековые традиции Узбекистана. Эта тема всегда вызывала большой интерес среди гостей нашей страны, что отразилось в рекордном количестве и участников, и фоторабот: были представлены более 710 фотографий от 55 участников из 22 стран. Отличительной особенностью данной фотовыставки является то, что вниманию гостей представлены работы авторов-любителей из зарубежных стран – зарубежные дипломаты и бизнесмены, работающие и аккредитованные в Узбекистане

Выступившие на открытии председатель Торгово-промышленной палаты А.Шайхов и исполнительный директор журнала «Экономическое обозрение» Н.Мухаммедов отметили, что данная выставка, ставшая уже традиционной, проводится в этом году в третий раз и что представленные вниманию гостей фотоснимки демонстрируют не только взгляд иностранцев на Узбекистан, но и их уважение и почтение к этому краю, интерес к нашей культуре и традициям.

В этом и заключается основное отличие фотовыставки от остальных экспозиций, она дает возможность увидеть Узбекистан с ранее непривычных ракурсов, осмыслить восприятие нашей страны, ее культуры и традиций со стороны и посредством этого вносит вклад во взаимопонимание между народами, странами и культурами. На выставке можно ознакомиться со снимками, в которых наряду с живописной природой, величественными горными вершинами, древними памятниками также запечатлены простые люди, занятые повседневными делами, веселые ребятишки, почтенные аксакалы и матери, изделия национального ремесленничества, изобильные рынки, а также кадры о состязаниях купкари и свадьбах.

На выставке экспонируются 177 лучших фотографий, выбранных авторитетной отборочной комиссией. По традиции эти работы будут опубликованы в специальном фотокаталоге и выставлены на сайтах организаторов. Также планируется показ выставки в дипломатических представительствах Узбекистана за рубежом, что, несомненно, будет содействовать популяризации культуры и традиций Узбекистана за пределами страны.

Фотовыставка «Узбекистан – сердце Центральной Азии» будет работать до 22 декабря 2007 года.

Соб. инф.

Миннатдорчилик мактуби

ҲАРБИЙЛАРИМИЗ ОМОН БЎЛИШСИН

Ҳурматли таҳририят, мен Хурсандгул Тоғаева ушбу мактубимни бағри кенг, саховатли ҳарбийларимизга миннатдорчилик юзасидан йўлламоқдаман. Турмуш ўртоғим Абдураим Ҳамроев оддий ишчи. Беш нафар фарзандимиз бор. Ўзим уй бекасиман. Қизим Насиба туғилгандан буён тўшакка михланиб – ногирон бўлиб қолган.


Ушбу хатни ёзишдан мақсад, офицер Мирсодиқ Расулов ва у хизмат қилаётган ҳарбий қисм хизматчилари бизга ўхшаган кам таъминланган ва ногирон фарзанди бор бир неча оилаларни ўз қарамоғига олишган. Улар ҳар байрамларда совға-саломлар билан кўнглимизни кўтариб, хонадонимизга байрамона кайфият улашиб келишмоқда. Энг асосийси, бедаво дард туфайли умидсизликка, тушкунликка тушган қалби синиқ фарзандларимизнинг қалбларига йўл топиб, дилларига умид-қувонч бахш этишмоқда.

Это решение правомерно, потому что сегодня в нашей стране молодежь в возрасте до 18 лет насчитывает 10 миллионов 360 тысяч человек или около 40 процентов всего населения, а до 30 лет – 17 миллионов 80 тысяч человек или 64 процента, то есть большинство населения страны. И, конечно, государство правильно делает, если ставит в порядок дня вопрос **о превращении молодежи в решающую силу развития общества и государства.** В этой связи глава государства особо подчеркнул: **«Всем должна быть ясна главная идея, воплощающая в себе общие задачи и цели новой программы. Это – обеспечение защиты прав и интересов молодежи, получение ею современных знаний и профессий, формирование кадров новой формации, способных противостоять чуждым нашему менталитету вредным влияниям и течениям и способных занять достойное место в жизни общества»**.

Эта четкая сформулированная главой государства задача всецело относится и к Вооруженным Силам, которые уже сегодня успешно решают главную, жизненно важную задачу – получение молодыми людьми, защитниками Родины, прочных знаний и профессий, готовят для народного хозяйства страны подлинных специалистов своего дела, духовно богатых и преданных идеалам независимости молодых граждан нашей великой страны.

Воодушевленные докладом Президента страны, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами Ислама Каримова, военнослужащие нашей национальной армии глубоко сознают свою высокую личную ответственность за безопасность страны, мирной жизни нашего народа, все сделают для того, чтобы изо дня в день крепла обороноспособность нашей независимой Родины, ее боевая мощь и боевая готовность Вооруженных Сил.

Анфим ХЛЫЗОВ.

УСТУВОР МАҚСАДГА ЙЎҒРИЛГАН АНЪАНА

(Давоми.Боши 1-бетда).

Мақсаднинг қанчалар эзгу, хайрли эканлиги номидан ҳам кўриниб турибди. Қатор йиллардан бери Ватан ҳимоячилари куни байрамини кутиб олиш ва нишонлашга бағишлаб тадбирлар ўтказилиб келиняпти. Йилдан-йилга тадбирлар кенгайиб, ранг-баранглашиб бормоқда. Айниқса, кейинги йилларда оммавий ватанпарварлик тадбирлари давомида ёшларимизга мазкур йўналишда таълим-тарбия беришда эл-юртимизга фидойи ва садоқатли, асл ватанпарвар, улкан ҳаёт тажрибасига эга бўлган инсонларга, сиёсатшунос ва тарихчи олимларга, Қуролли Кучларимиз фахрийларига таяниб иш юритаётганимиз ўзининг самарасини беряпти.

Мана, айни пайтда тадбирлар кўтаринки руҳда давом этмоқда. Ёшларимизни Ватанга, истиқлолга садоқат руҳида тарбиялаш, улар қалбларида фахр, ифтихор туйғуларини янада аланга олдириш, Ўзбекистон номини дунёга кенг ёйиш борасидаги ниятларимиз, мақсадларимиз яна бир янги довондан ошади. Келинг, шу ўринда ёшларимизни ҳақиқий ватанпарварлар этиб тарбиялашимиз йўлида нима ишлар қилинаётганлигига айнан шу йўналишда ўтказилаётган тадбирлардан жавоб излайлик.

Маълумки, тадбирлар давомида жойларда тарғибот гуруҳлари,улар таркибидаги эл-юртимизга таниқли инсонлар – тарихчи, сиёсатшунос, ёзувчи ва шоирлар, жамоат арбоблари ойлик давомида мамлакатимиз аҳолиси, ҳарбий хизматчилар орасида Қуролли Кучларимизнинг давлат хавфсизлиги ва халқимиз тинчлигини асрашдаги ўрни, роли ҳақида, амалга оширилаётган ҳарбий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти борасида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширишади.

Олий ўқув юртлари, лицей, коллеж ва умумтаълим мактаблари, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти мактабларида, «Ўзбекистон Қуролли Кучлари ислоҳотлар шароитида, мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлашда уларнинг ўрни ва роли», «Ўзбекистон Қуролли Кучлари – юрт тинчлиги ва хавфсизлиги кафолатида», «Ўзбекистон Қуролли Кучлари – минтақада тинчлик ва барқарорлик кафолати» каби мавзуларда давра суҳбатлари, турли кечалар ўтказилади.

Офицер Алишер Казаков хизмат қилаётган қисмга ҳар йили байрам арафасида коллежнинг чақириққача бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиси Баҳодир Жўраев шогирдларини олиб келади.

«Ўзим ҳам ҳарбий бўлганман. Соҳадаги ислоҳотлар, янгиланишлардан хабарим бор. Ҳар йили мазкур ҳарбий қисмга ўқувчиларимни олиб келаман. Куй давомида улар аскарларимизга яратилаётган шарт-шароитларни кўришади, жанговар техника, қурол-аслаҳалар билан танишишади. Хуллас, ҳарбий ҳаётни ўз кўзлари билан кўришади. Қувонарлиси шундаки, бундайин тадбирлар сабаб ёшларимизда ҳарбийликка қизиқиш ортиб бормоқда», дейди у.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши масъул ходими Тўхтасин Арслонов билан суҳбатлашганимизда шундай деган эди: «Жойларда ҳаракат етакчилари томонидан режа асосида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилади. «Шунқорлар» ҳарбий спорт ўйинларининг қуйи босқичлари бўлиб ўтади. Шу ўринда «Бир кунлик аскар» дея номланган тадбир анъанага айланганини, унга лицей, коллеж ўқувчиларининг тобора кўп жалб қилинаётганини таъкидлаш лозим.Бундайин тадбирлар ёшларимиз қалбида ватанга садоқат, мардлик, матонат каби туйғуларни шакллантирмоқда, уларни армия ҳаётига – юрт посбони бўлишга тайёрламоқда».

Шундан ҳам кўриниб турибдики, ватанпарварликка йўғрилган тадбирлар йил бошиданоқ шу йўналишда амалга ошиладиган ишларимизга ўзига хос дастуриламал бўлади. Бизни бу борадаги ишларга руҳлантириб туради.

Яқинда Ёзувчилар уюшмасининг масъул ходими, ҳарбий-ватанпарварлик кенгаши раиси Абдураззоқ Обрўев билан суҳбатлашиб қолдим. «Президентимизнинг Ватан ҳимоячилари куни байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисидаги Фармойишига биноан режалар ишлаб чиқдик. Бунда ёзувчи ва шоирларимизнинг Ватан ҳимоячилари билан бўладиган ижодий учрашувларига, маънавий-маърифий тадбирларга улкан эътибор қаратдик», дейди у.

Дарҳақиқат, тадбирлар давомида ҳарбий қисм ва бўлинмаларда, таълим-тарбия муассасаларида «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!», «Тинчлик ва осойишталик учун курашмоқ керак», «Ҳушёрлик ва сергаклик – замон талаби» мавзуларида фан, маданият ходимлари, ёзувчи ва шоирлар иштирокида адабий-бадиий кечалар ўтказилмоқда. Бундайин маданий-маърифий тадбирлар ёшларимизнинг, Ватан ҳимоячиларининг онгу тафаккурига миллий истиқлол ғояларини сингдиришда муҳим аҳамият касб этишини яхши биламиз.

Президентимиз посбонларимизнинг маънавий тарбиясига эътибор қаратар экан, уларнинг юксак ақл-заковат, интеллектуал салоҳият, мустаҳкам ирода, ўз халқига садоқат туйғулари билан ажралиб туриши лозимлигини таъкидлайди. Тилга олинаётган тадбирларда ҳам бу тамойилга кенг аҳамият берилади.

Олий ўқув юртлари, лицей ва коллежлар, умумтаълим мактабларида таҳсил олишаётган ёшлар Қуролли Кучлар марказий музейига, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг «Шонли Ватан тарихи» музейларига олиб борилиши, улар қалбларида аждодлар анъаналарига, буюк тарихимизга ҳурмат, эътибор туйғулари шакллантирилишини таъкидлаб ўтиш лозим.

Ватан ҳимоячилари куни арафасида истиқлолимиз, тинч ва осойишта ҳаётимизни ҳимоялаш йўлида фидойилик кўрсатиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлган она-юрт ҳимоячилари байрамларда ёдга олинади, уларнинг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади. Хизмат бурчини, ўташ чоғида ҳалок бўлган ҳарбийларимизнинг оилалари ҳарбий қисмлар, мудофаа ишлари бошқармалари томонидан оталиққа олинади. Бу эса меҳр-оқибат, қадр, саховат каби туйғуларни, юрт ҳимояси йўлида матонат кўрсатганлар номи ҳеч қачон унутилмаслигини ёш авлод онгига янада чуқурроқ сингдиради.

Шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, юртбошимиз фармойиши сабаб давлат ва жамоат ташкилотларининг кенг, самарали ҳамкорликлари, ватанпарварлик тарбиясининг ўзига хос усул-услублари шаклланмоқда. Бундайин анъаналар ватанпарварликка йўғрилган орзу, мақсадларимиз амалга ошишда устувор аҳамият касб этаётганини, йилни шундайин эзгу, хайрли ишлар билан бошлашимиз қўяжак қадамларимизнинг янада қутлуғ келишига сабаб бўлаётганини ўйлаганда қалбларимиз фахрга, ғурурга тўлади.

Майор Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Суратлар «Ватанпарвар» архивидан олинган



ВАТАННИ ҚЎРИҚЛАШ – МУҚАДДАС БУРЧ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил топганининг ўн беш йиллиги юртимиз бўйлаб кенг нишонланди.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар кенгашида ҳам ушбу санага бағишланган маънавий-маърифий, кўргазмали тадбир бўлиб ўтди. Унда ташкилот устоз-ўқитувчилари, Тошкент бирлашган техника мактаби курсантлари ҳамда спортчилари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбир аввалида «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар кенгашига қарашли мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган кўргазма намойиш этилди. Кўргазмада ташкилотнинг спорт-ўқув техникалари, спорт тўгаракларида ва секцияларида тайёрланган ракета-авиамоделлар, плакатлар ва ҳар бир мактабининг фаолиятини акс эттирувчи фотолавҳалар тақдим қилинди.

Мажлислар залида ўтказилган йиғин ҳам қатнашчиларда катта таассурот қолдиргани, шубҳасиз. Тадбирни ташкилот раиси Абдумажид Умаров олиб борди. Маърузачилар конституциямизнинг аҳамияти, ундаги ҳар бир боб ва модда инсон манфаатлари йўлида хизмат қилишини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Ташкилот Марказий кенгаши раисининг ўринбосари Мурод Носиров, Тошкент шаҳар бош прокуратураси бўлими катта прокурори Нажмиддин Шайхов, «Нуроний» жамғармаси раиси Муҳаммаджон Зуфаров, шаҳар Маънавият тарғибот маркази раҳбари Нодир Ҳошимовларнинг фикр ва мулоҳазаларини йиғилганлар қизиқиш билан тингладилар.

Тадбир сўнгида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 30 ноябрдаги «Ватан ҳимоячилари куни» байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида»ги Фармойишига асосан республикамизда «Оммавий ватанпарварлик тадбирлари ойлиги» ўтказилиши эълон қилинди.



– Ойликни ўтказишдан кўзланаётган мақсадлар жуда кенг қамровли, – дейди ташкилотнинг Ҳамза тумани бўлими раиси Мақсуд Каримов, – биз ҳам ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар қалбида Ватанимизга нисбатан чексиз ҳурмат, муҳаббат ҳиссларини шакллантириш, аҳоли, айниқса, чақириққача бўлган ёшлар ва ҳарбий хизматдаги аскарларга Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида кенг тушунча бериш ва жамиятда ҳарбийлик касбининг нуфузини оширишга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Тадбир ниҳоясида ташкилот маъмурияти барчани «Оммавий ватанпарварлик тадбирлари ойлиги»да фаол иштирок этишга чорлади.

Аҳрор ПУРБЕКОВ.
Аббос Улуғхўжаев олган сурат.

Обуна – 2008

БИЗ «ВАТАНПАРВАР»НИ ТАНЛАЙМИЗ



Мудофаа вазирлигининг қисм ва муассасаларида 2008 йилнинг I ярим йиллиги учун газета ва журналларга, шу жумладан, Мудофаа вазирлигининг марказий матбуот органи «Ватанпарвар» газетасига жамоавий ва якка тартибдаги обуна бошланди.

«Ватанпарвар» газетаси Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қисм ва бўлинмаларининг фаолияти ҳақида кенг кўламда ҳикоя қилувчи ягона нашрдир. «Ватанпарвар» газетаси саҳифаларида нафақат турли қўшин турларида хизмат қилувчи ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ўқув жараёни ҳақида, шунингдек, уларнинг турмуши, озиқ-овқат ва моддий таъминоти, маданий дам олишлари борасидаги ишлар, турли тоифадаги ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига берилаётган имтиёзлар ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалар бериб борилади. Таҳририят журналистлари ва жамоатчи мухбирлари бўлажак Ватан ҳимоячиларининг ўсиб келаётган авлодини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратадилар. Ёшлар мавзуси – ёш авлодни миллий истиқлол ғояларига содиқлик руҳида тарбиялаш мавзуси газетамизнинг энг асосий, устувор йўналишларидандир. Шу сабабдан ҳам республикамиздаги рангли даврий нашр бўлмиш «Ватанпарвар» газетаси газетхонларнинг кенг доираси учун қизиқиш уйғотиб келмоқда.

Обуна компаниясини ўтказиш даврида барча даражадаги командирлар, муассасалар бошлиқлари, тарбиявий ишлар органлари офицерлари жойларда ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар ўртасида «Ватанпарвар» газетасининг шахсий таркибни аҳборот билан таъминлаш, ўқитиш ва тарбиялаш ишида, мамлакатимиз ёшларида юксак маънавий ва ахлоқий-жанговар сифатларни, ватанпарварлик, уюшқоқлик ва интизомлиликни шакллантиришдаги улкан ва муҳим аҳамияти ҳақида кенг тушунтириш ишларини олиб боришлари зарур.

Жамоавий ва якка тартибдаги обуна масаласини офицерлар, шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар кенгашларида, муддатли ҳарбий хизматчилар шахсий таркибининг йиғилишларида кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари, уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, мудофаа ишлари бошқармалари (бўлимлари) бошлиқлари шунингдек, чақирилувчиларнинг ота-оналари, яқинлари, хизматни ўтаётган ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилаётган фуқаролар ўртасида ҳам «Ватанпарвар» газетасини кенг тарғиб қилиш ишларини уюштиришлари зарур.

«Ватанпарвар» газетасига обунани яқин масофада жойлашган почта бўлимларида 6 ойдан кам бўлмаган муддатга нақд пулсиз ҳисоб-китоб орқали расмийлаштириш лозим. Ҳар бир минтақада обуна ишлари билан ўрта ҳисобда 2 тадан 5 тагача компания шуғулланаётганига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Обуна компаниясини белгиланган муддатлар ичида ўтказиш ва уни жорий йилнинг 20 декабригача якунлаш тавсия этилади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Тарбиявий ишлар бош бошқармаси.

«Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»

ЎҚУВЧИ – ФАОЛ ИШТИРОКЧИ



Пойтахтимиздаги 171 сонли умумтаълим мактабида «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» доирасидаги тадбирлардан бири бўлиб ўтди.

Мудофаа вазирлигининг Ёнғинга қарши кураш ва қутқариш ишлари бўлими ҳамда ИИВ туман ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси билан ҳамкорликда ўтказилган машғулот аввалида ёнғин хавфсизлиги қоидалари, офат олиб келиши мумкин бўлган аянчли ҳодисаларни акс эттирувчи кўргазмали воситалар орқали яқиндан ўқувчиларга кенг тушунча берилди.

Шунингдек, машғулот иштирокчилари ёнғинга сабаб бўлувчи вазият ва ҳодисалар, бирламчи ўт ўчириш воситалари, ўт ўчириш техникаси ва жиҳозлари, ёнғин содир бўлганда ҳаракатланиш тартиби ва кўрсатиладиган биринчи тиббий ёрдам кабилар ҳақида ҳам батафсил маълумот олдилар.

Табиийки, тадбир давомида илмга чанқоқ ҳамда ҳар томонлама қизиқувчан ўқувчиларда у ёки бу мавзу хусусида саволлар туғилиши аниқ. Шунинг учун ҳам, ёнғин, ёнғин хафсизлиги ҳақидаги тушунчалар савол-жавоблар билан янада мустаҳкамланди.

Ўқув маскани директорининг маънавият-маърифат ишлари бўйича ўринбосари Ильмира Валиеванинг таъкидлашича, мактабда ўқувчиларнинг ёнғин хавфсизлиги борасидаги билимларини ошириб боришга нафақат ойлик давомида, балки ўқув йили режаси асосида катта эътибор берилмоқда.

– Масалан, мактабимизда синф сардорларидан иборат ўт ўчирувчилар гуруҳи тузилган бўлиб, улар доимий равишда ўқувчилар орасида тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борадилар. Синфлар ўртасида эса ёнғин хавфсизлигига бағишланган энг яхши расм, энг яхши синф бурчаги, энг яхши тарғиботчи гуруҳ сингари танловлар мунтазам равишда ўтказилади. Бу галги танловлар ғолиблари юртимизда давом этаётган «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ниҳоясида аниқланади. Ўйлайманки, бугунги кўргазмали машғулотлар ўқувчиларда катта таассурот қолдириб, келгусида албатта, ўз самарасини беради, – деди жумладан суҳбатдошимиз.

Ҳа ишонч билан айтиш мумкинки, Ёнғин хавфсизлиги ходимларининг чиқишларини диққат-эътибор билан тинглаган, етарли билим ва тушунчаларга эга бўлган ёшлар ёнғин сабабчилари сафидан асло жой олмайди.


Катта лейтенант Тўлқин ХУДОЙНАЗАРОВ. Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ – УСТУВОР ВАЗИФА

Давлатлар мавжуд экан, уларда армиянинг бўлиши ҳам табиийдир. Айнан армия мамлакат дахлсизлигини таъминловчи улкан кучдир. Ҳар қандай давлат мудофаа қудратининг асосида фуқаролар муҳофаси ётади. Мамлакатимизда ҳам фуқаролар муҳофазаси давлат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан ҳисобланади.

Шу мақсадда 1996 йил Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Фармонига кўра аҳолини ва халқ хўжалиги иншоотларини табиий офатлардан муҳофаза қилишнинг самарали тизимини ташкил этиш, мамлакатда табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил қилинди. Унинг асосий вазифаларидан бири ҳам фуқаролар ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилгандир. Фуқаролар муҳофазаси мудофаа ишларининг энг муҳим таркибий қисмидир.

Сўнгги йилларда бутун дунёда табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар тез-тез юз бермоқдаки, оқибатда кўплаб моддий ва маънавий йўқотишлар кузатилмоқда. БМТнинг халқаро фуқаро муҳофазаси ташкилоти ҳужжатларида «Дунёда тараққиёт шиддат билан олға босар экан, ўз навбатида хавф-хатар ҳам ошиб боради, шу боис барқарор ривожланиш кафолати – бу фуқаро муҳофазасидир» деб ёзиб қўйилган. Сир эмаски, йилдан йилга ошиб бораётган фавқулодда вазиятлар, уларни бартараф этишга сарфланаётган иқтисодий харажатлар бундай хатти-ҳаракатларнинг самарадорлиги талаб даражасида эмаслигини ва бу йўналишда алоҳида йўл тутиш кераклигини кўрсатмоқда.



Ҳар қандай тусдаги табиий офатлар, нафақат инсонларнинг ҳаётига, балки бино ва қурилмаларнинг бузилишига, моддий бойликларнинг йўқ бўлишига, табиатнинг издан чиқишига олиб келади. Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларианоқ ҳудудларимиз дахлсизлиги, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратилди. Маълумки, республикамизнинг айрим ҳудудлари сейсмик хавфли зоналар таркибига киради. Бундан ташқари турли табиий офатлар – ернинг сурилиши, сел, сув тошқинлари, кучли шамоллар бўлиб туради. Инсоният тараққиёт борасида қанча илгариламасин табиий офатлар қаршисида ҳамон ожиз эканлигини тан олишга мажбурдир.

Бугунги кун фуқаролар муҳофазасидек жиддий вазифани амалга оширишда барчанинг жипслик ва бирдамликда фаол ҳаракат қилишини тақозо этади. Бу борада сиз билан бизнинг ҳам қонун билан белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва мажбуриятларимиз борлигини ҳамма ҳам билавермаса керак. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги Қонунининг 13 ва 14-моддаларида аниқ кўрсатиб ўтилган. Унга кўра фуқароларнинг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

– ўз ҳаёти, соғлиги ва мол-мулки ҳарбий ҳаракатлардан муҳофазаланиши;

– умумий ва якка муҳофазаланиш воситаларидан текин фойдаланиш;

– ҳарбий ҳаракатлар кечаётган жойларда ўзлари йўлиқишлари мумкин бўлган хавф даражаси ва зарур хавфсизлик чоралари тўғрисида ахборот олиш;

– ҳарбий ҳаракатлардан жабрланганларга уларнинг ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун шароитлар яратилади, тиббий, моддий-молиявий ва бошқа хил ёрдамлар кўрсатилади.

Ўз навбатида мажбуриятларимиз ҳам бўлиб, улар қуйидагилар:

– фуқаро муҳофазасига доир барча қонун ҳужжатларига риоя қилиш;

– фуқаро муҳофазаси тадбирларини бажаришда иштирок этиш ва тегишли тайёргарликдан ўтиш;

– фуқаро муҳофазаси сигналларини, умумий ва якка муҳофазаланиш воситаларидан фойдаланиш қоидаларини билиш;

– жабрланганларга дастлабки тиббий ва бошқа хил ёрдам кўрсатишни билиш;

– давлат органларига, шунингдек, ташкилотларга фуқаро муҳофазаси соҳасидаги вазифаларни ҳал этишда кўмаклашиш;

– фуқаро муҳофазаси объектлари ва мол-мулкини асрай билишлари шарт.

Биз юқоридагиларга амал қилиш билан бирга мамлакат мудофаа қудратини оширишда ҳам ўз ҳиссамизни қўшган ҳисобланамиз.

Миразим ТОЖИЕВ, Толиб ҚАЙИМОВ.

ГИЁҲВАНДЛИК – АСР ВАБОСИ

ФАРЗАНДЛАР ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИШ, ГИЁҲВАНДЛИК БАЛОСИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ, УНГА ҚАЛҚОН БЎЛИШ УЧУН АҲОЛИ, АЙНИҚСА ЁШЛАР ОРАСИДА ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ ВА БУ ИШГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛ ЭКАНЛИГИМИЗНИ АНГЛАМОҒИМИЗ ДАРКОР.



«XX-аср вабоси» дея аталаётган гиёҳвандлик инсониятнинг энг жиддий муаммосига айланиб бормоқда. Бу ўпқон ёшларни, баъзан эса болаларни ўз домига тортаётгани, тугилажак фарзандлар учун жиддий хавф солаётгани, барчани ташвишга солаяпти. Маълумки, ўсмирлар катталарга тақлид қилишни яхши кўришади. Қўлига сигарета олган ўспирин унинг оқибатлари ҳақида ўйламайди. Аслида ҳамма нарса биринчи марта қизиқарли ва жозибали кўринади. Шу боис биринчи бор гиёҳвандлик моддасини татиб кўриш ҳам унга ўзгача «лаззат» бағишлайди. Афсуски, оқибатда тубсиз чоҳга элтувчи оғунинг ҳаётини заҳарловчи «тўри» инсонни ўз домига тортса унинг чангалидан қутилмоқ қийин. Чунки гиёҳванд моддаларга қарамлик кишининг умумий руҳий ва жисмоний ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Унинг шахс сифатида жамиятда ўз ўрнига эга бўлишига йўл қўймайди. Олимларнинг аниқлашларича, миянинг маълум бир қисмида айнан наркотик модда қабул қилгандан сўнг кучли хумор пайдо бўлар экан. Гиёҳвандлар бу хуморни босиш учун ҳар сафар қабул қилаётган гиёҳванд модда миқдорини ошириб боришга мажбур. Бу эса мия фаолиятининг издан чиқишига олиб келади. Танада гайриоддий ҳолатлар пайдо бўлади. Яъни инсонда кайфият сабабсиз ўзгариб туради, ҳаракат бузилади, кўз қорачиқлари торайиб ёки кенгайиб кетади, агрессивлик (урушқоқлик), ёлғизликка интилиш, ўқиш ва ишга бефарқлик ҳолатлари юзага келади. Шу билан бирга соғлиғини йўқотиб нашавандга айланган одам ҳар қандай ёвузликдан тап тортмайдиган бўлиб қолади.

Афсуски, кейинги пайтларда аёлларнинг ҳам гиёҳванд моддаларга ружу қўйиши ногирон чақалоқларнинг дунёга келишига сабаб бўлмоқда. Бу эса жуда катта фожеадир. Чунки гиёҳванд модда қабул қилган аёллардан туғилган чақалоқларда – неонатал гиёҳвандлик абстиненцияси (хумор тутиш ҳолати) пайдо бўлар экан. Бу гўдаклар она қорнидаёқ гиёҳванд моддаларнинг маълум миқдорини қабул қилиб туришган. Шу боис улар туғилгандан кейин ҳам гиёҳванд моддаларни қабул қилмасалар уларда марказий асаб тизимининг бузилиши, қўл-оёқларнинг титраши ва «тутқаноқ» кузатилади. Бу болалар кўпинча туғма юрак нуқсонлари, ошқозон-ичак тизимининг оғир хасталиклари билан оғрийдилар. Лаҳзалик кайфу сафо деб умрини елга совураётган гиёҳвандларнинг фарзандлари мана шундай майиб-мажруҳ туғилади.

Россия наркологик диспансерида олиб борилган тадқиқотларга кўра, кўпинча ичкиликка берилган одамларнинг фарзандлари кўпроқ гиёҳванд моддаларга ружу қўйишаркан. Сабаби ичкиликбоз ота-онадан туғилган болаларнинг миясида этил спиртига нисбатан наслий сезгирлик паст бўлади. Шунинг учун улар спиртли ичимликлардан ҳузур қилолмай, гиёҳвандликка берилишади. Статистик маълумотларга кўра, гиёҳванд моддаларга қарам шахслар 3-4 йилдан ошиқ умр кўрмайди. Уларнинг кўпчилиги гиёҳванд моддаларнинг истеъмол миқдорини ошириб юборишдан ҳалок бўлишади ёки ўз жонларига қасд қилишади. Сабаби организмда гиёҳванд модданинг таъсири тугаса, яна хумор тутади ва нашавандининг аъзои бадани чидаб бўлмас даражада қақшаб оғрийди. Бу оғриқ тананинг ҳар бир ҳужайрасида учрайди. Худди суяклар синиб, пайлар узилиб кетаётгандек бўлади ва бу оғриқларнинг охири ўлим билан якун топади...

Шундай экан, фарзандлар тарбиясига эътиборли бўлиш, гиёҳвандлик балосининг олдини олиш, унга қалқон бўлиш учун аҳоли, айниқса ёшлар орасида гиёҳвандликка қарши тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш ва бу ишга барчамиз масъул эканлигимизни англамоғимиз даркор.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА

В Индии взорван поезд

На востоке Индии прогремел взрыв в фирменном поезде «Радждхани». В результате теракта погибли по меньшей мере пять человек, еще пятеро ранены, передает индийское телевидение. Поезд направлялся в Нью-Дели из города Дибругарх на востоке северо-восточного штата Ассам, где орудуют сепаратисты. Обстоятельства происшествия выясняются. Официальной версии правоохранительные органы пока не выдвигали.

Косово осталось без электричества

Авария на одном из энергоблоков теплоэлектростанции в Косово обесточила значительную часть населенных пунктов края. Как передает ИТАР–ТАСС, промышленные предприятия и жилой сектор переведены на особый режим потребления электроэнергии. В зависимости от категорий, введенных Косовской электроэнергетической корпорацией (КЭК), потребители отключаются от энергоснабжения на период от 6 до 20 часов в сутки.

Олимпиада: новые вирусы и Трояны

В 2008 году наибольшую опасность для компьютеров будут представлять Олимпийские игры в Пекине. Интерес к соревнованиям приведет к появлению в Сети большого числа вредоносных сайтов, посвященных Олимпиаде. Не меньшую угрозу для здоровья компьютера будут представлять социальные сети и форумы. Именно там чаще всего будут появляться ссылки на инфицированные ресурсы, пишет газета «Новые известия» со ссылкой на Websense.

Обезврежена преступная группировка

Международная преступная сеть, отправлявшая в США наибольшее количество поддельных денег в истории этой страны, обезврежена в Мексике. Более 1,14 миллиона фальшивых долларов изъяла мексиканская полиция в городе Гвадалахара (штат Халиско) при поддержке североамериканских спецслужб. Об этом сообщили в генеральной прокуратуре латиноамериканской республики.

Побит мировой рекорд

Молодой француз Алексис Лемэр, обладающий феноменальной способностью исключительно быстро считать в уме, побил в Лондоне свой же мировой рекорд. 27-летний «человек-ЭВМ», студент университета города Реймс, извлек корень 13-й степени из выбранного наугад компьютером 200-разрядного числа за 70,2 секунды, сообщает ИТАР–ТАСС. Прежний рекорд, установленный Алексисом всего несколько месяцев назад в Нью Йорке, составлял 72,4 секунды.

Специальные очки от бессонницы

Ученые создали очки, которые помогают людям, страдающим от бессонницы. Об этом пишет газета «РБК Daily». Специальные солнцезащитные очки частично не пропускают голубой свет. Ведь именно этот цвет особенно сильно воздействует на биологические ритмы организма. Испытания показали, что использование таких очков в течение двух часов перед сном повышает уровень гормона сна – мелатонина.

Производство новых батарей

В марте 2008 года компания Toshiba планирует вывести на рынок литий-ионные аккумуляторы нового типа, которые смогут работать в течение 10 лет. Разработка называется SCiBs (Super Charge ion Batteries). В ней использованы нанокристаллы титанита лития, которые позволят сократить время зарядки батарей до 5 минут. При этом ресурс новых батарей составит более 5 тысяч циклов заряда-разряда, сообщает Cyberstyle.

Skoda из песка

Чешская компания Skoda в честь начала продаж своих автомобилей на территории Австралии поручила международной команде скульпторов создать в натуральную величину модель Octavia RS из песка. С таким необычным заданием скульпторы справились более чем за 5 дней. Автомобиль оснастили собственным двигателем и панелью приборов, которые также были воспроизведены со 100% достоверностью. «Сборка» модели проходила на пляже Палм-Бич в Сиднее прямо на глазах у всех отдыхающих.

(www.NEWSru.com).

БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

Спортивная слава Узбекистана

ВРУЧЕНЫ ЗАСЛУЖЕННЫЕ НАГРАДЫ

Не каждому нашему читателю известно, что наряду с такими традиционными для Узбекистана видами спорта, как бокс, национальная борьба кураш, другие многочисленные виды спортивных единоборств, футбол, легкая атлетика, гребля на байдарках, наши спортсмены также добиваются значительных успехов в военно-прикладных и технических видах спорта, культивируемых в ОСО «Ватанпарвар». Причем, эти достижения мирового уровня, ежегодно отмечаемые золотыми и серебряными наградами на мировых чемпионатах и первенствах.

Проведенное в торжественной обстановке вручение медали «Шухрат» заместителю председателя ОСО «Ватанпарвар» Сырдарьинской области Игорю Ибрагимову – свидетельство того, что эти успехи не единичны и носят закономерный характер. Оно стало знаковым событием для всех спортсменов выступающих в таком сложном и, наверное, самом современном виде спорта как ракетное моделирование. Эта награда, прежде всего, признание большого вклада лично Игоря Ибрагимова в подготовке спортсменов-ракетомоделистов мирового класса. Вместе с тем это и признание вклада областных отделений ОСО «Ватанпарвар» в повышение престижа нашего государства на международной арене.

На проходивших в этом году на космодроме «Байконур» соревнованиях Азиатского континента и Кубка мира по ракетомодельному спорту принимали участие спортсмены из 17 стран. Конкуренция была велика, соревнования были сложными и проходили в течение 20 дней по трем номинациям: спортивные модели, копии космических кораблей и радиоуправляемые модели.

На этом фоне успех спортсменов из Узбекистана более чем впечатляет. Наши ракетомоделисты завоевали большое количество медалей различного достоинства, а также заняли первое, второе и третье места на двух этапах Кубка мира и первое место на чемпионате Азии. Подчеркнем, что костяк сборной республики составили спортсмены из Сырдарьинской области. Фархад Бакиев, Игорь Ибрагимов, Дмитрий Ли доказали, что узбекистанская глубинка не оскудела талантами. То что призерами стали Нажмиддин Зайлитдинов и Лайло Зайлитдинова из Намангана только подчеркивает – стать чемпионом Азии в Узбекистане способен представитель любой области, где есть спортивно-технические клубы ОСО «Ватанпарвар».

Эти достижения – отличный задел для подготовки к чемпионату мира следующего года, который состоится в Испании и очередного этапа Кубка мира в Киеве.

– Высокая государственная награда не только воодушевляет, но и ко многому обязывает, – сказал на церемонии награждения Игорь Ибрагимов. – Будем трудиться, чтобы снова выступить столь же успешно.

В этот же день в Центральном совете ОСО «Ватанпарвар» проходило чествование Руслана Насырова, неоднократного чемпиона Узбекистана, победителя первенства мира 2006 года и серебряного призера чемпионата мира нынешнего года, проходившего в эстонском городе Отепе по летнему биатлону.

Поздравляя Руслана с большим успехом на чемпионате мира, присутствующие отмечали, что наряду с ним в десятку сильнейших попали и другие члены сборной Узбекистана: А.Юнусов, М.Ходжибаев, Ж.Тиллаев, З.Мамедова, Д.Имамхусанова, А.Дреева. А это значит, что нашим биатлонистам вполне по плечу успешно выступить и в 2008 году на чемпионате Азии, Кубке мира и чемпионате мира. Как отметил сам Руслан Насыров, есть все возможности показать хорошие результаты и на открытом чемпионате Европы.

Подводя итоги прошедшего спортивного года и чествуя его героев, можно смело сказать, что на сегодняшний день, благодаря заботе Руководства Узбекистана, в каждом уголке нашей республики созданы все условия для развития спортивных и технических талантов молодежи. Есть в этом и большой вклад областных и районных организаций ОСО «Ватанпарвар», делающих немало для подготовки юношей к службе в армии, а для многих из них – хорошей стартовой площадкой в большой спорт, к достижениям мирового уровня.

Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ.



Каратэ-до

КУБОК ПОЙТАХТДА ҚОЛДИ

Яқинда пойтахтимиздаги янги қад кўтарган «Учтепа» спорт мажмуасида каратэ бўйича катталар ўртасида Ўзбекистон кубоги навбатдаги ғолибларини аниқлади.

Мусобақада Навоий ва Жиззах вилоятларидан ташқари барча вилоятлардан спортчилар, жами 110 нафар каратэ устаси иштирок этишди. Мусобақа ҳакамлари Рустам Казаков, Азамат Али Қаландаров, Баҳодир Исматуллаев, Ҳусан Жабборов, Шарифбой Сапаев, Фазлиддин Сапиев, Эркин Тошқулов, Камол Аҳадовлар кучлилар мусобақасини одилона бошқаришга ҳаракат қилишди.

Каратэнинг жадаллик билан ривож топаётгани, вилоятларда ёш ва кучли спортчиларнинг етишиб келаётгани кўплаб ёш чемпионларни кашф этди.

Кубок баҳсларининг умумий якуни эса қуйидагича бўлди:

1.Тошкент шаҳри. 2. Самарқанд. 3. Қашқадарё.

Пулевая стрельба

РАСТЕТ ЧИСЛО ПУТЕВОК

В Кувейте проходит региональный чемпионат Азии по пулевой стрельбе, в котором спортсмены могут завоевать лицензии на предстоящие Олимпийские игры 2008 года в Пекине.

Успешно выступают на этих соревнованиях узбекистанские стрелки. Наши соотечественники Елена Кузнецова и Дильшод Мухторов уже стали счастливыми обладателями путевок на Олимпиаду-2008.

Таким образом, на сегодняшний день узбекистанскими спортсменами завоеваны 24 лицензии на участие в Олимпийских играх.

Соб.инф.

Марафон

ФЕРГАНЦЫ ОКАЗАЛИСЬ СИЛЬНЕЕ

По инициативе Министерства по делам культуры и спорта в Джизаке был проведен республиканский спортивный марафон, посвященный 15-летию Конституции нашей страны.

Соревнования проводились среди мужчин и женщин, юношей и девушек 1990 года рождения и младше.

Среди мужчин победителем республиканского марафона стал Андрей Петров (Ташкент), второе место завоевал Мурод Хожибаев (Наманган) и третье место занял Руслан Насыров (Самарқанд).

Среди женщин тройка призеров выглядит таким образом: 1-е место – Ситора Хамидова (Сурхандарьинская обл.), 2-е место – Екатерина Тунгускова (Фергана) и 3-е место – Мария Хмелевская (Фергана). Среди юношей первое и второе места завоевали братья Хасан и Хусан Эргашевы из Ферганы.

В своей возрастной категории среди девушек Мария Хмелевская из Ферганы поднялась на высшую ступень пьедестала почета. Гульшаной Сатторова из Андижана – второе место и Озода Каримова (Самарканд) – третье место.

В общекомандном зачете первое место завоевали представители Ферганы.

Также соревнования проходили по таким номинациям, как «Королева марафона», «Самый юный бегун», «Самый выносливый бегун» и т.д. В своих номинациях победителями стали Алина Аютова, Дурдона Турабекова, Анузар Юсупов, Юлдуз Бикмаева, Елена Якушко.

Наш.корр.

Волейбол

АГМК – ОБЛАДАТЕЛЬ КУБКА

В Алмалыке завершился двенадцатый по счету Кубок Узбекистана по волейболу среди мужских команд. На этих соревнованиях приняли участие семь сильнейших команд.

В результате недельных состязаний были выявлены победители и призеры Кубка Узбекистана. Команда «Универсалбанка», победив у своих соперников «Олимжона Акбарова» со счетом 3:0, стала бронзовым призером. А хозяева турнира – Алмалыкский государственный металлургический комбинат (АГМК), в финале одержав убедительную победу над «УзИ-Самаркандом» –3:0, стали счастливыми обладателями Кубка Узбекистана.

Вольная борьба

ПОБЕДИЛИ ХОЗЯЕВА ТУРНИРА

Разнообразна и богата соревнованиями спортивная жизнь Каракалпакстана. Несколько дней назад в Нукусе завершился международный турнир по вольной борьбе на призы мастера спорта Нукусбая Такмибаева. На этом турнире приняли участие спортсмены из областей нашей страны, а также Казахстана и Туркменистана. В общекомандном зачете победу одержали хозяева турнира.

Каратэ-до

УСПЕХ ЗАМИРЫ

В Малайзии на чемпионате Азии по каратэ-до две золотые и одну серебряную медали завоевала наша соотечественница Замира Алиева.

По словам ее тренера мастера спорта международного класса Рустама Казакова, спортсменка в ближайшем будущем готова успешно выступать и на крупных международных турнирах и чемпионатах мира.

– У нее настоящий бойцовский характер плюс высокая техническая и тактическая подготовка, – говорит Рустам Казаков. – Одним словом, у моей воспитанницы высокий спортивный потенциал. А это значит, что еще будут награды высокой пробы.

Соб.инф.

Футбол

ЧЕМПИОНАТ ЯКУНИГА ЕТДИ



Аввалги йиллардан фарқли ўлароқ, қитъамизда 2010 йилги жаҳон чемпионати саралаш учрашувларининг дастлабки босқичи барвақт ўтказилганлиги муносабати билан жорий йилги республика чемпионати ўйинлари йилнинг сўнгги ойигача чўзилиб кетди. Чемпион номи мусобақалар якунидан 2 тур аввал маълум бўлганидан футбол мухлислари яхши хабардорлар, албатта. Сўнгги 30-тур учрашувлари эса кумуш ва бронза медаллари соҳибларини, шунингдек, олий лигани тарк этувчи иккинчи жамоани аниқлаб бериши лозим эди. Кумуш медаллар учун асосий даъвогар ҳисобланган «Қурувчи» жамоасининг 28- ва 29-турларда турнир аутсайдерларидан мағлубиятга учраши мутахассислар ва мухлислар учун кутилмаган ҳол бўлди. Клуб раҳбарияти бундай вазиятда тезкор хулосалар чиқариб, сўнгги тур олдидан бош мураббийни алмаштиришга қарор қилди ва Ҳикмат Эргашев ўрнига, ўзбек футболининг ёрқин юлдузларидан бири Миржалол Қосимов «Қурувчи» жамоасига бош мураббий этиб тайинланди. Жамоада юзага келган ички вазият ҳақида бирор хулоса чиқариш ҳозирча тўғри бўлмас, аммо сўнгги вазиятда қабул қилинган чора ўз натижасини бериб, охирги турда ўз майдонида Бухоронинг «Вобкент» жамоасини қабул қилган М. Қосимов шогирдлари 6:2 ҳисобида йирик ғалабага эришдилар ва турнир жадвалида 2-поғонани эгаллаб, келгуси мавсумда Осиё чемпионлари лигаси баҳсларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Охирги тургача уларга асосий рақиб бўлиб келган Муборакнинг «Машъал» жамоаси гарчи Наманганда «Навбаҳор»ни 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратган бўлса-да, «Қурувчи»дан бор-йўғи 1 очко ортда қолиб, бронза медалига сазовор бўлди.

Бекободнинг «Металлург» клуби эса тақвим тақозосига кўра ўзи учун ҳал қилувчи бўлган ўйинда жорий йилги мамлакат чемпионатида бирон марта ҳам мағлубиятга учрамаган, кетма-кет олтинчи бор чемпион унвонига мушарраф бўлган «Пахтакор» меҳмони бўлди. 2:0 ҳисобида мағлубиятга учраб олий лигани тарк этган («Вобкент»дан сўнг) иккинчи жамоага айланди.

С. ПЎЛАТОВ.

«ПАХТАКОР»НИНГ НАВБАТДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

Футбол мавсуми тақвимидаги ўзгаришлар сабабли ҳар йили ёз ойларида ўтказиладиган мамлакат кубогининг ярим финал ва финал учрашувлари муддати ҳам сезиларли ўзгарди. Айниқса, кубок финалининг мамлакат чемпионатининг сўнгги туридан кейин ўтказилиши жорий мавсумнинг юқори ноталарда якунланишига сабаб бўлди десак, муболаға қилмаган бўламиз. Финалда эса кўпчилик футбол мухлислари ва мутахассислари таҳмин қилганидек бу йилги мамлакат чемпионатида олтин ва кумуш медалларга сазовор бўлган Тошкентнинг «Пахтакор» ва «Қурувчи» жамоалари ўзаро рўбарў келишди. Ёдингизда бўлса, чемпионат доирасида ушбу жамоалар ўртасида ўтказилган ҳар иккала учрашув дуранг натижа (1:1, 0:0) билан якунланган, қайси жамоа кучлироқ эканлиги аниқланмай қолган эди.

Финалда эса, маълумки, албатта бирон жамоа ғалаба қозонади. Шу боис кескин ва муросасиз ўйин бўлишига ҳеч ким шубҳа қилмаган, ўйин ўтказилган МҲСК стадионига минглаб мухлислар тўпланишган эди. Фақатгина айнан шу куни эрталабдан ёға бошлаган ёмғир ҳақиқий футбол байрамига бироз ҳалал берди. Ўйин бошланган вақтида майдоннинг кўп қисми сув билан тўлган, бундай шароитда чиройли ўйин кўрсатиш деярли мумкин эмасди.

Об-ҳавонинг бундай инжиқлиги футболчиларга ўз таъсирини кўрсатган бўлса-да, улар мухлислар кутган ўйинни намойиш этиб беришди. Ўйин давомида гоҳ у, гоҳ бу жамоа ташаббусни ўз қўлига олиб турди. Дастлабки хавфли вазиятларни эса кутилганидек пахтакорчилар юзага келтиришди, аммо «Қурувчи» дарвозабони ва ҳимоячилари учрашувга пухта тайёргарлик кўрганликларини намоён этишди. Хавфли қарши ҳужумлар билан жавоб қайтарган «Қурувчи»нинг шиддатини эса маҳоратли И. Нестеров ва «Пахтакор» ҳимоячилари бартараф этиб туришди. Ана шундай кескин вазиятлардан бирида тўп билан олға интилаётган пахтакорчиларнинг нигериялик легионери Ихеруоме Уче «Қурувчи» ҳимоячиси Б. Ашурматов томонидан майдонга қўлатилди. Аммо учрашув ҳаками бухоролик Ноил Лутфуллин бунга эътибор бермади. Бундан ғазабга тушган Уче шу заҳотиёқ тўпни эгаллаб турган Ашурматовга қарши жуда қўпол ҳаракат қилди. Буни кўрган ҳакам Ученини майдондан четлатди. Ўйиндаги вазият мазкур ҳолатдан сўнг янада кескинлашди. 52-дақиқада эса шунга ўхшаш қўполликдан сўнг энди «Қурувчи» ярим ҳимоячиси А. Ҳайдаровга ҳам қизил карточка кўрсатилди. Иккала жамоа ўйинчиларининг бир-бирларига нисбатан қўпол ўйин кўрсатганлиги албатта мухлисларни ҳам ранжитди.

Ана шундай кескин ва муросасиз ўтган учрашувнинг асосий ва қўшимча вақтида яна ғолиб аниқланмади – 0:0. Пенальтилар серияси белгиланишини ҳис қилган «Пахтакор» бош мураббийи Р. Ҳайдаров ўйин давомида анча толиқиб қолган И. Нестеров ўрнига заҳирадаги дарвозабон Тимур Жўраевни майдонга туширди. Ёдингизда бўлса, жорий йилнинг январь ойида Москвада ўтказилган МДҲ давлатлари чемпионлари кубогининг финал учрашувида ҳам айнан шундай вазият юзага келган ва Т. Жўраев пенальтилар серияси қаҳрамонлик кўрсатиб, «Пахтакор»нинг бош соврин эгаси бўлишига ўз ҳиссасини қўшган эди.

Бу сафар ҳам худди шундай бўлди. «Қурувчи» ярим ҳимоячиси Р. Ғофуровнинг 11 метрлик нуқтадан берган зарбасини қайтарган Т. Жўраев ҳал қилувчи пенальтини ўзи О. Беляков дарвозасига киритди ва «Пахтакор»га мамлакат кубогини олиб берди. Пенальтилар серияси умумий ҳисоб эса 7:6 бўлди ва «Пахтакор» тўққизинчи маротаба мамлакат кубоги соҳибига айланди.

М. САЙДИВАЛИЕВ.

СПОРТДА ФАОЛ ТАЛАБАЛАР

Келажак ёшлар қўлида. Президентимиз бежиз мамлакатимизнинг истиқболи унинг иқтидорли ёшлари қўлида, деган фикрни илгари сурмаганлар. Ёшларимиз ҳар томонлама етук бўлишлари, шу жумладан жисмонан соғлом бўлишлари учун истиқлолнинг илк йиллариданоқ улкан эътибор қаратилмоқда. Бобомиз Абдулла Авлоний ҳам бола тарбияси ҳақида фикр юритар экан, тарбия жараёнини уч қисмга бўлган эди: «бадан тарбияси», «фикр тарбияси» ва «ахлоқ тарбияси».

Мудофаа вазирининг олий ўқув юртларининг ҳарбий кафедраларида таҳсил олаётган талабаларнинг – бўлғуси резервдаги офицерларнинг интеллектуал салоҳияти ва жисмоний тайёргарлиги юксак бўлишига эътибор қаратаётгани ҳам шу устувор мақсадга йўналтирилган. Шуни ҳисобга олиб,Тошкент давлат техника университети ректорининг ҳарбий кафедра талабалари ҳамда офицерларининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари тўғрисида буйруғи чиқарилди. Бунга асосан ҳарбий кафедра бошлиғининг жисмоний тайёргарлик ҳамда оммавий спорт ишларининг ташкил этилиши ва ўтказилиши тартиби тўғрисидаги режаси ишлаб чиқилган бўлиб, унга мувофиқ спортнинг 3 тури (100 м. ва 3000м. га югуриш, турникка тортилиш) бўйича талабалар синовдан ўтказилмоқда. Бу тадбир ўзига хос спорт байрамига айланаётганини таъкидлаш лозим.

А. Ахмедов, А.Тоғаев , У.Шодиев , Н.Қобилов, Т.Алимов, Ш.Маҳаммедов, О.Қодиров каби талаба ёшлар жисмоний тайёргарликдан аъло баҳоларга эришиб, бошқаларга ўрнак бўлишди.

Капитан Қамбарали АЗИЗОВ,
Тош ДТУ ҳарбий кафедраси ўқитувчиси.


Атлетический клуб будущего воина

РАЗВИВАЕМ БИЦЕПСЫ

Сгибы с гантелями откинувшись

Сгибы с гантелями откинувшись создают нагрузку на мышцы верхней части руки (плеча), особенно на бицепсы и брахиалис (плечевую мышцу).

Выполнение сгибов с гантелями откинувшись. Взяв две гантели, сядьте на наклонную скамейку. Обопритесь о нее. Верхняя часть рук (плечо) должна оставаться неподвижной. Медленно делайте сгибы с гантелями, двигая руку из нижнего положения в верхнее – к плечам. Затем медленно вернитесь в исходное положение. При выполнении сгибов вы добьетесь лучшего результата, если будете выполнять повороты кисти из положения «полностью вниз» (ладонь обращена к полу, большой палец прижат) в положение «полностью вверх» (ладонь обращена вверх, большой палец отогнут) в верхней точке сгиба. Кроме того, при совершении этих движений вы можете чередовать руки.



СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

Бугун пойтахтимиздаги Республика Олимпия заҳиралари спорт коллежининг эркин ва Юнон-рум кураши залида эркин кураш бўйича янги ташкил этилган «Бобур» спорт клуби очиқ чемпионатига старт берилди. Илк бор ўтказилаётган мазкур очиқ чемпионатда барча вилоятлар ва қўшни Қозоғистон, Қирғизистон республикаларидан 200 дан ортиқ спортчилар иштирок этмоқда. Мусобақанинг тўлиқ тафсилотлари билан газетамизнинг кейинги сонида батафсил фикр юритамиз.

●

Бир неча кун аввал Украина терма жамоаси бош мураббийлигидан озод этилган Олег Блохин «Москва» билан уч йиллик шартномага имзо чекди ва бош мураббий сифатида ишга киришди. Андрей Бал ва Олег Кузнецов эса ёрдамчи мураббий сифатида Блохинга кўмаклашадиган бўлди.

●

Айни пайтда «Селтик» шарафини ҳимоя қилаётган собиқ ЦСКА аъзоси Иржи Ярошик Россияга қайтиши мумкин. Бу сафар унда «Крилья Советов» таркибида ўйнаш имконияти пайдо бўлмоқда. Самараликлар 30 ёшли ярим ҳимоячи учун икки ярим миллион евро тўлашга тайёр. Футболчининг ўзига эса йиллик бир миллион евро маош тайинлашга ваъда беришди.

●

Германиянинг Мюнхен шаҳри 2018 йилда ўтадиган қишки Олимпия ўйинларига мезбонлик қилиш учун номзодини илгари сурмоқчи. Гамбург шаҳрида бўлиб ўтган мамлакат олимпия кенгаши йиғилишида шундай хулосага келинди. Германия ички ишлар вазири Вольфганг Шойбле Халқаро олимпия қўмитасига бу ҳақда ариза берувчи мамлакат олимпия кенгашини федерал ҳукумат ҳам қўллаб-қувватлашини ваъда берди.

2008 ЙИЛ – «ЁШЛАР ЙИЛИ»

МАСЪУЛИЯТ – МУНОСИБ БЎЛИШДА

– Яқинда муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшадим. Истиқлолимизнинг 16 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига кўра, Ватан ҳимояси йўлидаги хизматларим улкан баҳоланиб, «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирландим. Бу ёшларга, юрт келажагининг эгаларига бўлган юксак эътибордан далолат.Юртбошимиз Конституциямиз қабул қилинганлигининг 15 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда нутқ сўзлаб, 2008 йилни «Ёшлар йили» деб эълон қилди. Буни телевизор орқали кўриб, билиб, янада руҳландим.

Мустақил тараққиёт йўлини белгилаб олганимизданоқ ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши борасида кўплаб ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Давлатимизнинг биз ёшларга бўлган бундайин эътиборига, билдираётган ишончига муносиб бўлмоғимиз керак. Ҳар жабҳада ҳеч кимдан кам бўлмаслик учун, Ўзбекистон номини янада баланд кўтаришимиз учун ёниб яшашимиз керак. Мен бор кучимни, билимимни шу йўлда сарфлашга ваъда бераман. Тенгдошларимни ҳам юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларга камабраста бўлишга даъват этаман.

Озодбек ТЎХТАЕВ, «Содиқ хизматлари учун» медали соҳиби:

ЮКСАК ИШОНЧНИ ШАРАФЛА ОҚЛАЙМИЗ

Мамлакатимизда ёшларга жуда катта эътибор бериб келинади. Республикамизнинг энг чекка қишлоқ-овулларида истиқомат қилиб, ўз истеъдод ва иқтидорлари билан дунёни забт этаётган тенгдошларимиз орамизда кўпчиликни ташкил қиладилар. Бугун биз учун улкан имкониятлар эшиги очилган.

Ёшлар мамлакат аҳолисининг 64 фоизини ташкил қилади. Давлатимиз раҳбарияти мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ёшларга эртанги куннинг муносиб эгалари бўлишларига эътибор қаратди. Ўтган йиллар орасида ёшлар фаолиятидан қониқмаслик, улар фаолиятига танқидий қарашлар ҳам бўлди. Мен буларни жуда ўринли деб ўйлайман. Ўрни келганда хатоларни тан олиш ва уни тузатишга интилиш ақлли инсонларга хос.

Биз Тошкент молия институтининг бир гуруҳ талабалари Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган «Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир» деб номланган маърузаларини тўлқинланиб тингладик. Мазкур маърузани бутун мамлакатимиз ёшлари қувонч билан кутиб олганлари шубҳасиз. 2008 йилнинг Юртбошимиз таклифларига кўра «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши бизга бўлган чексиз ғамхўрликнинг, умид-ишончнинг амалдаги ифодасидир.

«Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир», десак, ўйлайманки, бу олиб бораётган сиёсатимиз ва мақсадларимизга жавоб берадиган даъват бўлади.

...мен шу юртнинг раҳбари бўлиб, ҳар қайси ота-онанинг ёнида туриб, жондан азиз фарзандларимизга билдирадиган орзу-ниятларни амалга оширишда ўзимни масъул, деб биламан ва бундай вазифамдан ҳеч қачон қайтмайман». Бундай даъватдан ҳаяжонга тушмаслик мумкин эмас, бундай даъватга муносиб бўлиш керак, бундай даъватга лаббай дея тайёр турмоқ лозим.

Бугун тенгдошларим, сабоқдошларим номидан кўнглимиздан кечган фикрларни шундай ифодалагим келди: фарзандларингиз ҳам Сиз томондан билдирилган юксак ишончни шараф билан оқлашга интиладилар. Азиз она Ўзбекистон тараққиёти, равнақи учун бор куч-имкониятларимизни ишга солиб, изланамиз, хизмат қиламиз. Бу буюк юрт довруғи шижоатли, ғайратли, ватанпарвар ёшлари билан янада оламни тутади, уни янада дунёга кўз-кўз қилади.

Ўктам ҒОЗИЕВ,
Тошкент молия институти талабаси.

Юксак мукофотлар топширилди

«ЎЗБЕКИСТОН БЕЛГИСИ» – ФИДОЙИ ЁШЛАР УЧУН



Республикамиз мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши қарорига мувофиқ миллий маънавият, маданий мерос ва умуминсоний қадриятлар негизида юксак ватанпарварлик, халқпарварлик, фидойилик туйғусини ва меҳнатсеварлик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган, Ватанимиз обрўси, шон-шуҳрати ва шарафини юксалтириш ҳамда унинг халқаро нуфузини ошириш йўлида хизмат қилаётган, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб, намуна кўрсатаётган бир гуруҳ ёшларимиз «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирланган эдилар.

Конституциямиз қабул қилинган кун арафасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши мажлислар залида ушбу мукофотларни ўз соҳибларига топширишга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, талабалар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

«Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонига сазовор бўлганлар сафида Ватан ҳимоячилари – офицер Алишер Ҳасанов ва Сержантлар тайёрлаш мактаби тиббий тайёргарлик цикли йўриқчиси Муқаддас Холмуҳаммедоваларнинг ҳам жой олгани кўнглимизга сурур бағишлайди. Албатта, бундай мукофотга муносиб бўлиш осон эмас. Бунинг учун кишидан интилишу изланиш, курашиш, билим ва малакани бойитиш, ғайрат-шижоат, тажриба, энг асосийси, тинимсиз машаққат ва сабот талаб этилади.

– Ҳаётим давомида ўчмас из қолдирган энг қувончли воқеа – бундайин юксак мукофотга сазовор бўлганимдир, – дейди Муқаддас Холмуҳаммедова. – Шу боис жуда ҳаяжондаман. Мукофот менга қанот, шижоатларга ундовчи илҳом бўлди. Ўйлайманки, бундан буён ҳам ўз фаолиятим давомида мана шу улкан мукофотга лойиқ бўлишга интиламан. Зеро, интилганга толе ёр дейишган.

– Мени ушбу юксак мукофотга лойиқ кўришганидан жуда хурсандман, – дейди офицер Алишер Ҳасанов. – Инсонни қилган меҳнати улуғлайди, деган гап бор. Бу сўзнинг исботини мен ўз ҳаётим мисолида кўрдим. Гарчи мукофотга лойиқ топилиб, шундай нуфузга эришган бўлсам-да, аввало бу даражага эришишимда менга таълим-тарбия берган ва йўл-йўриқ кўрсатган устозларимнинг, орзуларимни қўллаб-қувватлаган ҳамда ҳамиша ишонч билдириб, дуои-жонимни қилиб турган ота-онамнинг ҳиссаси беқиёс, деб ўйлайман. Шундай экан қадрдонларимнинг ва давлатимизнинг менга билдирган ишончини оқлаб, Ватан осойишталиги йўлида сидқидилдан хизмат қилишга ҳаракат қиламан. Сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, она Ватанга сидқидилдан хизмат қилиш ҳар бир юрт ўғлонининг муқаддас бурчидир. Ана шундай шарафли вазифага муносиб топилиш ва миллий армиямиз посбони деган юксак номга эга бўлиш ҳар бир эр йигитнинг кўксида – чексиз ғурур-ифтихор уйғотади.

Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш йўлида хизмат қилаётган юртимиз асл фарзандларининг бу каби ютуқлари бошқаларга ҳам ўрнак бўлиши шубҳасиз. Шундай экан биз сафдошларимизнинг бундан кейинги ишларида ҳам омадлар тилаб, нуфузли натижалари янада ортишига астойдил тилак билдириб қоламиз.

Гулнора МУРОДОВА.

ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДАДА – СОВРИНЛИ ЎРИН

Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимда нутқ сўзлаб, янги – 2008 йилни «Ёшлар йили» дея эълон қиларкан, шундай дейди: «Ҳаммамиз бугун яхши тушунамиз – фарзандларимизнинг мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида замонавий билим олиши, ҳаётда керак бўлган касбга эга бўлиши ҳақида гапирганда, бу йўналишда олиб борилаётган ишларимизнинг сифати ва самарасини, пировард натижасини оширишда ҳали кўпгина масалаларни ечишимиз лозим».

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ёшларимизга таълим-тарбия бериш, уларни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш йўлидаги мақсадларимиз, бу йўлда сарфланаётган маблағларимиз мамлакатимиз келажагининг эгаси бўлган ёш авлодни, юксак интеллектуал салоҳиятли жамиятни шакллантириш йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Бугун миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрлари том маънода таянчимиз, суянчимиз бўлмоқда. Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда юртимизда таълим соҳасига йўналтирилаётган харажатлар ҳажми мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида 12 фоиздан ортаркан. Жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмаслигини ҳисобга олсак, бу борада ўзимизга хос, ўзимизга мос йўлдан одимлаётганимизни англаймиз. Қувонарлиси шундаки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ташкил этилган, ислоҳотларимиз самараси бўлган академик лицейлар ёшларга ўзи танлаган мутахассислик бўйича олий маълумот олиш учун янада чуқур билим эгаллаш, коллежлар эса махсус фанларни ўзлаштириш билан бир қаторда, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ҳар бир битирувчи йигит-қизга ўз қобилиятини юзага чиқариш ва жамиятда муносиб ўрин топиш учун кенг имконият беряпти. Жойларда асос солинган бундайин ўқув муассасаларининг талабалари халқаро доирада ўтказиладиган Фан олимпиадаларида ҳатто нуфузли ўринларни эгаллашиб, юртимиз довруғини янада ёйишмоқда. Оммавий ахборот воситаларида тарқатилган хабарга кўра, Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 1-ихтисослашган мактаб-интернат ўқувчиси Алишер Эшонқулов Москвада ҳамдўстлик мамлакатлари ёшлари ўртасида математика, гуманитар, табиий ва амалий фанлар бўйича ўтказилган халқаро олимпиадада фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, ўзбегим фарзандлари ақлий салоҳиятда ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлади. Таъкидлаш лозимки, мазкур ўқув даргоҳининг икки вакили Вьетнамда ўтказилган 48-жаҳон фан олимпиадасида кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлишганди. Рақамларга мурожаат этсак, ушбу мактаб-интернатнинг 31 ўқувчиси дунёнинг 12 мамлакатида ўтказилган халқаро фан олимпиадаларида иштирок этиб, 17 бор совринли ўринларни қўлга киритганини билиб оламиз.

– Ўқувчиларимиз билими республика ва халқаро фан олимпиадаларида эътироф этилаётгани, битирувчиларимизнинг 95 фоизи олий ўқув юртларига давлат гранти асосида ўқишга кираётгани педагогик жамоамизнинг изланиши, ўз касбига фидойилиги самарасидир, – дейди мактаб-интернат директори, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Тўхтамурод Жумаев.

Дарҳақиқат, илғор педагогик технологиялар асосида олиб борилаётган машғулотлар ўз самарасини бериб, ёшларнинг қобилиятларини, иқтидорларини юзага чиқармоқда. Ислоҳотларнинг бундайин самараси билан ғурурланмай, фахрланмай бўларканми?!

Д.РЎЗИЕВА.

ХАФТА ГЎЗАЛИ



Гўзал чеҳрасидан табассум балқиб турган бу ёқимтой қиз – Тошкент юридик коллежи талабаси Малика Солиҳовадир. Малика табиатан ҳушчақчақ ва бегубор қизлар сирасига киради. У коллежда ўзининг одоб-ахлоқи, тиришқоқлиги ва ташкилотчилиги билан тенгдошларининг меҳрини қозонган. Коллежда ўтказиладиган ҳар бир тадбирларда фаол иштирок этади. Унинг келажакдаги орзулари кўп. Шулардан энг муҳими, олий маълумотли мутахассис бўлиб, мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиш.

ҚИЗИМ, ДИЛБАНДИМ!

Қийим ҳам қиз боланинг зийнати. Қоматга мослаб тикилган, ортиқча жимжима ва ҳашамлардан ҳоли кўйлаклар ҳар қандай қизни латофатли қилиб кўрсатади. Шунинг учун тор-танқис кийим кийишга одатланма. Биринчидан, бу сенга жуда кўп ноқулайликларни келтириб чиқаради. Иккинчидан эса атрофдагиларнинг сен ҳақингдаги фикрини ўзгартиради. Кийимни тоза ва озода тутиш сенинг ўзингга боғлиқ. Хоҳ уйда, хоҳ кўчада бўлсин, ҳеч қачон кир бўлган кийимда юрма.

ЁШ РАССОМЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвон саройида жорий йил Словакия Республикасидаги халқаро болалар расмлари кўрик-танлови ҳамда Ҳиндистонда ўтган "Шанкар" халқаро болалар расмлари танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Бадиий академияси раиси ўринбосари Равшан Миртожиев, Словакия Республикасининг юртимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Йозеф Мачишак ва бошқалар Ўзбекистонда ёш авлодни соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, истеъдод соҳибларини аниқлаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатилаётган ғамхўрлик ўз самараларини бераётганини таъкидладилар. Бунинг натижаси ўлароқ, иқтидорли ўғил-қизлар халқаро кўрик-танловлар, кўргазмалар, фестивалларда муваффақиятли иштирок этмоқда.

Жумладан, Ҳиндистонда ўтган "Шанкар" халқаро болалар расмлари кўрик-танловида Хоразм тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатининг Баҳром Оллоназаров, Гули Хўжамова, Сардор Отабоев, Қашқадарё тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатилари Дилшод Жабборов ҳамда Достон Қурбонов, Алишер Навоий номидаги Республика Нафис санъат йўналишига ихтисослаштирилган мактаб-интернати уқувчилари Мухтор Шерқулов, Феруза Алиева, Файзулло Саидмуродов, Феруза Нурқобилова Жаҳонгир Ҳожиев, Моҳинур Икромовалар чизган расмлар кумуш медалга сазовор бўлди.

Словакияда ўтган халқаро болалар расмлари кўрик-танловида эса Республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатининг ўқувчилари Камола Мирҳожиева ҳамда Даврон Фаттоҳов махсус диплом билан тақдирланди.

Тадбирда халқаро кўрик-танлов ғолиблари ва совриндорларига фахрий ёрлиқлар топширилди. Болалар расмларидан иборат бадиий кўргазма намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

МАВЛУДА – ЭНГ ЯХШИ ТАРБИЯЧИ

Пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театрида Халқ таълими вазирлиги, "Sen Yolg"iz Emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ва Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ҳамкорлигида "Йилнинг энг яхши Меҳрибонлик уйи" ҳамда "Йилнинг энг яхши Меҳрибонлик уйи тарбиячиси" кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз таълим тизимида изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларда ўқувчиларга билим беришнинг илғор ва айни пайтда ноанъанавий усулларини кенг жорий этиш, соҳадаги ўқитувчи ва мураббийлар фаолиятини рағбатлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Меҳрибонлик уйлари педагогларининг ибратли иш тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш, фаол, жонкуяр мураббий ва тарбиячиларни рағбатлантиришда "Йилнинг энг яхши Меҳрибонлик уйи" ҳамда "Йилнинг энг яхши Меҳрибонлик уйи тарбиячиси" кўрик-танловининг аҳамияти катта.

Бир неча босқичда ўтган мазкур беллашувларда Меҳрибонлик уйларида алоҳида эътиборга муҳтож болалар тарбиясига ўзига хос ёндашув, тарбияланувчиларнинг фанларни ўзлаштириши ва таълимнинг барча бўғинлари қамраб олингани билан боғлиқ жиҳатларга аҳамият қаратилди.

«Йилнинг энг яхши Меҳрибонлик уйи» танловида пойтахтимиздаги 23-Меҳрибонлик уйи биринчи, Чирчиқ шаҳридаги 14-Меҳрибонлик уйи иккинчи, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги 1-Меҳрибонлик уйи учинчи ўринга лойиқ топилди.

«Йилнинг энг яхши Меҳрибонлик уйи тарбиячиси» танловида эса биринчилик Самарқанд шаҳридаги 10-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Мавлуда Ҳайитовага насиб этди. Иккинчи ва учинчи ўринларга Қорақалпоғистоннинг Хўжайли туманидаги 1-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Жахсилиқ Бойбўсинов ҳамда Навоий вилояти Зарафшон шаҳридаги «Шодлик» Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Маҳфуза Тўйева сазовор бўлди.

ЎзА.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН
На этой неделе попытайтесь четко выяснить: устраивает ли вас та роль, которую вы сейчас исполняете? Вы довольно легко сможете от нее отказаться. Оглядитесь по сторонам, так как наступил момент конструктивных изменений.

РАК
Если вы всей душой заинтересованы в карьере, то есть смысл обратиться за содействием к своим покровителям. Ваше спокойствие и миролюбие сгладят все острые моменты, возникающие на работе.

ВЕСЫ
Неделя может потребовать минимального напряжения. Удачны будут деловые встречи. Вам предстоят позитивные изменения на профессионально-служебном поприще. Только дружелюбие сможет решить ваши проблемы.

КОЗЕРОГ
На этой неделе судьба может подарить вам приятные знакомства. Будьте осторожнее при принятии решений. Благоприятное время для улучшения отношений с начальством или поступления на новую работу.

ТЕЛЕЦ
Вы можете оказаться в эпицентре событий и будете востребованы повсюду. Вами может овладеть множество идей – не поленитесь их сформулировать и обдумать. Возможны ссоры с близкими людьми из-за бытовых проблем.

ЛЕВ
Проявите щедрость – и вам отплатят той же монетой. Смена обстановки взбодрит вас и изменит настроение в лучшую сторону. Весьма вероятно, произойдет событие, которое откроет перед вами новые возможности.

СКОРПИОН
В целом неделя благоприятна для работы и творчества. Во многих областях жизни назревают важные для вас перемены. Ваш авторитет заметно возрастет. Будьте внимательнее во всем – иначе не избежать потерь.

ВОДОЛЕЙ
Вы можете столкнуться на этой неделе со срочными делами. Появится дополнительная нагрузка. Не стесняйтесь попросить помощи. Домашние и семейные дела могут выйти на первый план.

БЛИЗНЕЦЫ
В первые три дня этой недели вероятны резкие перепады настроения. Необходимо завершить начатые дела. Не слишком доверяйте советам доброжелателей. Постарайтесь больше времени проводить с близкими людьми.

ДЕВА
Чтобы обеспечить себе успех, надо не терять оптимизма и уметь сохранять душевное равновесие в любой обстановке. Проявление инициативы весьма благотворно скажется на вашей способности добиваться своего.

СТРЕЛЕЦ
Неделя располагает к началу новых проектов и дел. Возможны кардинальные перемены на работе. Нужно признавать свои ошибки: упрямство поставит вас в неловкое положение. Выходные проведите с семьей.

РЫБЫ
Будьте особенно осторожны с информацией и воздержитесь от злословия. Затевая любое, даже небольшое дело, выбирайте абсолютно надежных партнеров. Возможны перемены, связанные с профессиональной деятельностью.

АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

МИЛЛИЙЛИКНИ ЭЪЗОЗЛАГАН РЕЖИССЁР



Ҳар бир кинорежиссёрнинг умри у яратган ижод намуналарида, кино асарларида узоқ йиллар давом этади. Маҳорат билан ишланган фильмлар йиллар синовидан бехатар ўтиб, томошабин учун маънавий-маърифий ҳамроҳ бўлади. Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати, кинорежиссёр ва кинодраматург, профессор Шуҳрат Аббосов томонидан яратилган ҳужжатли ва бадиий фильмлар тўғрисида ҳам худди шу фикрларни билдириш мумкин. Зеро, Шуҳрат Аббосов ўзбек миллий кино санъатининг ривожланишига улкан ҳисса қўшган буюк ижодкорлардан ҳисобланади. У яратган кинокартиналар миллий кино санъатимизнинг ажралмас қисми бўлиб қолди ва ҳамон халқимиз, миллионлаб томошабинларнинг олқишига сазовор бўлмоқда.

Маълумки, инсоннинг севган касбига чинакам меҳр фидойилик, илҳом ва муҳаббатдан бошланади. Актёр бўлишга қизиқиш, улар яратган образларни томоша қилиб завқ олиш Шуҳрат Аббосов юрагида жуда эрта – болалик чоғларида пайдо бўлди.

Ўшанда ҳали иккинчи жаҳон уруши йиллари эди. Йўғон чўзилиб, ингичка узилган пайтлар... Бу вақтда ўн бир ёшли Шуҳрат ҳам онаси билан тенгма-тенг совхозда ишларди. Кунлардан бир куни шаҳардаги касалхонага урушдан яраланиб қайтаётган бир қанча аскарларни олиб келишди. Бу ерда оғриқдан азоб чекаётган аскарларнинг кўнглини кўтариш учун концерт ва спектакллар ташкил қилинди. Ана шунда Шуҳрат биринчи марта «саҳна»га чиқиб, ҳамширалар билан ҳаваскорлик спектаклида қатнашди. У фронтдан қайтиб севгилисининг хиёнатига дуч келган аскар йигит ролини ўйнайди. Шу биргина кичик саҳнанинг, юракларни тўлқинлантирувчи монологнинг ўзи уни ҳам, томошабинларни ҳам қаттиқ ҳаяжонга солди. Бу Шуҳрат Аббосовнинг санъат оламига қўйган илк қадами эди.

– Мактабни тамомлагандан сўнг Тошкентга келиб тиббиёт билим юртига ўқишга кирдим, – дея хотирлайди Шуҳрат ака. – Ўқишдан бўш вақтларимда ҳар доим театрларга кўп тушардим, қарийб барча спектаклларни кўришга ҳаракат қилардим. Ичимда эса, мен ҳам актёрлар билан бир саҳнада роль ўйнасам эди, деб орзу қилардим. Кейин мана шу қизиқиш сабаб билим юртимиздаги бадиий тўгаракка қатнаша бошладим. Бу ерда кичик-кичик спектаклларда роль ўйнардим. Бир куни спектакль қўяётганимизда мендан хабар олишга раҳматли Ҳамза Умаров келибди. Бу вақтда у театр ва рассомчилик институтида ўқирди. Ҳамза ака келганида мен спектаклда берилиб роль ўйнаётган эканман. Спектакль тугаганидан сўнг олдимга келди-да, ҳаяжон билан «Шуҳрат, сен тиббиёт билим юртига кириб хато қилибсан, сендан буюк актёр чиқади», деб мени ўзи ўқиётган институтга олиб келди...

Театр ва рассомчилик институтини тамомлаган Шуҳрат Аббосов биринчи иш фаолиятини Янгийўл шаҳридаги Манон Уйғур номидаги Тошкент вилоят мусиқали драма театрида бошлади. Ҳамзанинг «Майсаранинг иши», Комил Яшиннинг «Нурхон», Абдулла Қаҳҳорнинг «Оғриқ тишлар», Баҳром Раҳмоновнинг «Юрак сирлари» асарлари асосида саҳналаштирилган спектакллар мана шу театрда майдонга келди. Театр Шуҳрат Аббосов сиймосида изланишдан чарчамайдиган,чинакам драматургияни юракдан ҳис қиладиган санъаткорнинг шаклланишида беқиёс аҳамият касб этди. Турган гапки, буларнинг барчаси орадан йиллар ўтиб унинг кино санъатидаги фаолиятида ҳам қўл келди.

Ижодкор ҳеч қачон изланишдан, интилишдан чарчамаслиги керак, деб ўз олдига мақсад қилган ёш режиссёр ўз билимини бойитиш учун «Мосфильм» киностудияси қошидаги Олий режиссёрлик курсларида таҳсил олди.

Ўшанда 50-йиллар охири эди. У машҳур Америка ёзувчиси Уилям Сарояннинг «Филиппинлик ва маст» номли ҳикояси асосида суратга олинган қисқаметражли бадиий фильм билан диплом ҳимоя қилди. Кичик одамнинг катта фожеалари ҳақида ҳикоя қилувчи фильм ўз вақтида кино оламида улкан воқеа сифатида эътироф этилди. Ҳатто ушбу фильмни кўриб ҳаяжонланган ҳикоя муаллифининг ўзи ёш режиссёрга миннатдорчилик билдириб мактуб йўллайди. Бу эса ижодкорнинг ўзига бўлган ишончини янада орттирди...

Шуҳрат Аббосов Москвадан қайтгандан сўнг, суратга олган биринчи бадиий фильм – «Маҳаллада дув-дув гап» экранларга чиқиши биланоқ мутахассислар ва томошабинлар диққатини ўзига тортди. Режиссёрнинг фильм жараёнида Лутфихоним Саримсоқова, Раҳим Пирмуҳаммедов, Раззоқ Ҳамроев, Марям Ёқубова, Ҳамза Умаров, Икрома Болтаева сингари атоқли санъаткорлар билан ҳамкорликда ишлаши унинг учун катта маҳорат мактаби вазифасини ўтади. Натижада эса ўзининг миллийлиги, самимияти ва ёқимли юмори билан томошабинларни беихтиёр жалб этадиган миллий фильм дунёга келди ва миллионлаб мухлислар томонидан қизғин кутиб олинди. Илк муваффақиятлардан руҳланган Шуҳрат Аббосов шундан сўнг, ранг-баранг мавзуларда «Сен етим эмассан», «Тошкент – нон шаҳри», «Муҳаббат можароси», «Абу Райҳон Беруний» сингари фильмларни яратди.

Уруш йилларида ўн тўрт нафар етим болаларни ўз қарамоғига олган тошкентлик темирчи Шомаҳмудовлар оиласининг тақдирига бағишланган «Сен етим эмассан» фильми ўзининг умуминсоний ғоялар билан суғорилгани учун ҳам дунёга машҳур бўлиб кетди. 1963 йилда мазкур фильм «Франкфурт на майн» халқаро кинофестивалида намойиш этилиб, махсус мукофотга лойиқ деб топилди. Ижодкорнинг «Абу Райҳон Беруний» номли икки қисмли тарихий-биографик фильми эса Кишинёвда бўлиб ўтган 8-халқаро кинофестивалда бош мукофотга, Теҳронда ўтказилган фестивалда «Олтин делфин» совринига сазовор бўлган бўлса, «Муҳаббат можароси» кинокартинаси Тбилисида ўтган кино фестивалида «Энг яхши режиссёрлик иши учун» мукофотига лойиқ деб топилди.

Одатда, томошабинлар меҳрини қозонган, муваффақиятли чиққан фильмларнинг умри узоқ бўлади. Худди шу фикрларни Шуҳрат Аббосов ижодига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Чунки кинорежиссёр ижодининг ўзига хослиги, нозик диди, маҳорати; ўз картиналарига ўзбекона оҳанг бера олиши томошабинлар юрагидан чуқур жой эгаллайди.

Мустақилликдан сўнг, Шуҳрат Аббосов ўзбек киночилари орасида биринчи бўлиб тарихимизнинг энг нозик қирраларини очиб беришга бел боғлади. Унинг тўрт қисмдан иборат «Отамдан қолган далалар» (1998) фильми 135 йиллик ўтмишни қамраб олади. Фильмни томоша қилар эканмиз, зулм-истибдод қаърида қолган, озодликка ташна ўзбекнинг фожеалари бир-бир кўз олдимиздан ўтади.

Мутахассислар маҳоратли режиссёрни дирижёрга қиёслашади. Чунки у ҳам актёрларни танлай билиши, улар орасидаги ўзаро ҳамоҳангликни таъминлай олиши шарт. Бўлмаса, фильм муваффақиятсиз чиқади. Шунинг учун Шуҳрат Аббосов сценарий, фильмлар устида йиллаб ишлайди, тер тўкади. Унинг мақсади шунчаки ном чиқариш эмас, балки халқнинг юрагига етиб борадиган фильмларни яратишдир.

Санъаткорнинг кейинги йиллардаги фаолияти ҳам барчага ибратли. У ўзи бир вақтлар таҳсил олган Манон Уйғур номидаги санъат институтида ёшларга актёрлик маҳорати ва режиссурадан сабоқ бермоқда.

– Қарийб эллик йилдан ошиқ вақт мобайнида мазкур даргоҳда талабаларга дарс бераман, – дейди Ш. Аббосов. – Менинг мақсадим шу ерда ўқиётган бўлажак режиссёрлар халқимиз орзу-умидларини, армонларни арғумон қиладиган фильмларни яратиб кўнгилларни хушнуд қилсин. Улар ҳаётни бўрттириб эмас, қандай бўлса шу ҳолича тақдим этишсин. Фильмни томоша қилган инсонда ҳаётга бўлган муҳаббат кучайсин. Ўйлайманки, вақти келиб, фалсафий мушоҳадаларга ундовчи бир-биридан гўзал фильмлар яратилади ва ўзбек миллий кино санъатининг дунёга танилишида муносиб ҳисса бўлиб қўшилади. Мен бунга ишонаман!


Гулнора ТУРСУНБОЕВА

Гулом КАРИМ

НАРШАХ ҚАЛЪАСИ

(тарихий романдан парча)

(Охири. Боши газетанинг ўтган сонларида).



Биргаликда майдонни кўздан кечираётган Ҳаким, Ҳашвий ва Гирдакнинг ҳам кўнгиллари сурурланаётган эса-да, лекин улар ҳамон ҳушёр. Ҳали анча кучли ёғийнинг тўсатдан чекиниши шубҳали. Балки, маккор ёв сафларини қайта тузиб, бошқатдан ҳужум қилар. Ҳакимнинг буйруғи билан оқ кийимлилар ғалаба шодиёнасига ортиқ берилмай, яна ясол торта бошладилар. Шундагина сафлари нақадар сийраклашиб қолгани, куни кеча бир нонни бўлиб ейишган қанчадан қанча ёр-дўстларининг жонсиз жасадлари тупроққа қоришиб ётгани, дилни ўртовчи йўқотишнинг абадийлигини билишди.

Сардорлар чуқур мунг билан Боғий жасади устида бош эгдилар. Ғалабага катта улуш қўшган саркарданинг ўлими оқ кийимлилар учун оғир мусибат эди.

– От ўлса, майдон қолур, йигит ўлса, шон қолур, – деди Ҳаким. – Тангрим бизга зафарни ўнг келтирди. Боғий баҳодирни озод Наршах тупроғига дафн этурмиз. Унинг армони шу эди ва унга шараф билан эришди.

Сардорлар ҳалок бўлган юзбоши ва ўнбошилар ўрнига янгиларини тайинладилар. Исёнчилар майдондан қурол-яроғларни йиға бошладилар. Ҳатто жасадлардан камон ўқларини суғуриб, садоқларга солишарди. Бир қисм енгил яраланганлар табибларга кўмаклашиш учун ажратилди. Улар оғир ярадорларни чеккароқдаги ялангликка таший бошладилар. Бидун ва бошқа ўтачилар машъалалар ёруғида енг шимариб ишга киришган. Яradор отларни сўйиб, гўштини бўлаклаб, қон оқишини тўхтатиш ва яра битишини тезлатиш мақсадида ярадорларнинг яраларига босишарди. Бўлук бошлиқлари жангда қанча аскари ҳалок ёки ярадор бўлгани, қурол ушлашга қодир неча киши қолганини бош сардорга маълум қилишди. Қурол-яроғ керагидан ҳам ортиқ: оғир ярадорларни истисно этганда, омон қолган барча оқ кийимлилар, баъзилари ҳатто икки қўлида икки хил қурол ушлаганча жангга шай туришарди. Башарти ғаним уч ҳисса катта куч билан ҳужум қилса-да, улар жангдан бўйин товламас эдилар. Чунки шунчалик армонли ва шунчалик катта қурбонлар эвазига қозонилган қутлуғ ғалабадан маҳрум бўлгандан кўра, улар ўлимни афзал кўрардилар...

Бир неча кун илгари, волий қўшини жанг азмида Бухородан чиққани хабари етиши билан, исёнчилар олдида ё қалъада мустаҳкамланиб ҳимояга ўтиш, ё очиқ майдонда ёғий билан савашиш масаласи кўндаланг бўлди. Нафақат сардорлар, балки жангчилар ҳам қалъага бекиниб урушишни эп кўришмади. Сардорлар кенгашида барча зудлик билан ёвга пешвоз чиқишни ёқлади.

– Ғанимни янчиб, тумтарақай қилиб, юришни Бухорогача давом эттириш керак, – деди Ҳашвий. – Шаҳарни босқинчилардан тозалаб, аббосийларнинг қора туғини арк тепасидан улоқтириб, эрк рамзи бўлган оқ туғимизни тикамиз.

– Чиндан, мудофаадан кўра ёвга арслондек ташланган маъқул, – деди Ҳаким. – Бироқ Наршах ҳам ҳимоясиз олдирилмаслиги керак. Ким қоладур қалъада?

Сардорлар ва кенгашда ҳозир бўлган юзбошилардан садо чиқмади. Ҳар бири бош сардор нигоҳидан кўзларини олиб қочар, «мени қолдирмаса бўлгани», деган ҳадик кўнглидан ўтарди. Ҳаким буни англади.

– Бу вазиятда ҳар бир жангчининг ўрни жанг майдонида, – деди у. – Наршахда эса Шодиябегим ҳокима бўлиб қолишини амр этамен. Бегимнинг ўзи тузган аёллар бўлуки ва Гирдак таълим берган ўсмирлар қалъа ҳимоясида бўлур.

Кенгаш иштирокчилари бош сардорнинг топқирлигига қойил қолиб, бир овоздан унинг қарорини маъқулладилар.

Тўп-тўп лашкар Наршаҳдан чиқиб, қўрғон олдида саф тортди. Мўбад ўз жамоаси ва имом мусулмонлар олдида ваъз айтди. Сўнг бош сардор Ҳакимнинг ёлқинли даъвати сафлар оша янграб, исёнчиларнинг қалбига туғён солди:

– Ёронлар, биз қонли жангга отланмоқдамиз, бу ҳаёт-мамот жанги! Халифа қўшини енгилмаслиги ҳақидаги овозалардан чўчиманг. Ҳарб ишида, мард киши синаладиган жангу жадалларда аждодларимиз ҳеч бир элдан қолишмаган. Маҳман деган тождорлар – Чин фағфури, Эрон шоҳлари ва Рум қайсарларини турк қиличи ёлқини даҳшатга солган. Алп Эртўнга, Бўмин, Муҳон, Истами хоқонлар Туғардан Ботарга довур бепоён ерларга ҳукмрон бўлишган. Шундоқ буюк эл ўзаро низолар, ғанимлар фитнаси, энг ёмони истиқлолини қўлдан бериш туфайлидан ночор аҳволга тушиб қолди. Бироқ турк эли абадий заволга юз тутди, деганлар янглишадур. Машриқдаги элдош ва қондошларимиз – қарлуқлар ва уйғурлар ўз эркини сақлаб қола олдилар. Алардан бизга мададга келган баҳодирлар сафимизда! Бизни бу курашга чорлаган буюк йўлбошчимиз озод қилинган Кеш заминидаги баланд тоғда қароргоҳ қурган. Бу тоғ чўққиси узра кураш ва интиқом байроғи мағрур ҳилпирамоқда. Метин тоғдек таянчимиз бор бизнинг! Йўлбошчимиз Муқанна билан кўп жангларда елкама-елка туриб олишиб, ёв устидан зафарлар қучган Боғий паҳлавон ҳам сафимизда.

Ҳакимнинг сўзларидан сўнг ҳайқириқлар осмону фалакка кўтарилди. Изма-из Боғийнинг момақалдироқдек овози янгради:

– Ёронлар, бизнинг курашимиз ҳақ! Йўлбошчимиз Муқанна номи билан жангга кирамиз. Муқанна Иброҳим, Мусо, Исо, Будда, Зардушт ва Муҳаммад каби барча пайғамбарлар динларининг ҳақлигини эътироф этур. Бинобарин, зардуштий, мусулмон, яҳудий ёки буддавий ўз эътиқодига заррача зиён етказмай, Муқанна туғи остида жангга кира оладур.

Аскарлар қиличларини қалқонларига уриб, яна сурон кўтардилар ва сафлар орасидан жўшқин хитоблар янгради:

– Жангга бошланг бизни!

– Сўнгги қатра қонимиз қолгунча озодлик учун курашамиз!

– Муқанна номи билан жангга кирамиз!

– Ё зафар, ё ўлим!

Бу хитоблари чин эканини баҳодир жангчилар жанг майдонида ўз қонлари билан исбот этишди.

Кино оламида

Киноижодкорлар – ҳарбийлар ҳузурида

ҚИЗИҚАРЛИ, САМАРАЛИ УЧРАШУВ

Чирчиқ гарнизони офицерлар уйида «Ўзбеккино» миллий агентлиги буюртмасига кўра, «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган ҳамда Мустақиллигимизнинг 16-йиллиги арафасида катта экранларга чиққан «18-квадрат» фильмининг намойиши бўлиб ўтди.

Кинокартинанинг томошабинларга тақдим этилишидан аввал, фильм ижодкорлари – Жаҳонгир Қосимов (режиссёр), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тоҳир Саидов, Аҳмат Унарбоев, Саид Мухторов, Ҳалил Мингнаров ва Воҳид Зоҳидовлар билан суҳбат уюштирилди.

Фильмнинг суратга олиниш жараёни, ишлатилган махсус эффектлар ҳамда трюклар, актёрлар ижроси, қолаверса, унда илгари сурилган ғоя хусусида фикр юритиб, режиссёр фахр билан қуйидаги маълумотни келтириб ўтди. Яъни, кино соҳасидаги нуфузли тадбирлардан бири – «Волоколамский рубеж» фестивалида «18-квадрат» «Миллий ўзига хослигига қарамай, ҳаммага тушунарли бўлган ватанпарварлик мавзуини акс эттиргани учун» мукофоти билан тақдирланган.

…Кино намойиш этилди. Фильм сўнгтида катта экранда картинани яратишда бевосита иштирок этган ижодий гуруҳ аъзоларининг исм-шарифи – титрлар пайдо бўлиши биланоқ гарнизон ҳарбий хизматчилари ҳамда уларнинг оила аъзоларидан иборат томошабинларнинг гулдурос қарсаклари янгради. Бу фильмнинг барчага манзур бўлгани ва катта таассурот қолдирганидан далолат.

Тўғри, ҳар қандай янги фильмни ҳам уй шароитида ёхуд бирон кино саройида томоша қилиш мумкин. Лекин, ишончим комилки, фильмни унинг ижодкорлари билан бирга кўриш, улар билан бевосита мулоқотда бўлиш ҳамда ижодий гуруҳ вакилларига шахсий фикр-мулоҳазаларни билдиришнинг ўз гашти, завқи бор.

Катта лейтенант Учқун САИДНАЗАРОВ.



«САҲРО ОҲАНГИ» – ЭНГ ЯХШИ ЭКОЛОГИК ФИЛЬМ

Маълумки, Ўзбекистон ранг-баранг табиатга, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига бой ўлка саналади. Заминимиздаги энг гўзал қўриқхоналарда сақланаётган ноёб жониворлар, тоғ ён бағрларида жойлашган сўлим гўшалар, мусаффо об-ҳаво шароити, буларнинг ҳаммаси кишига ўзгача завқ бағишлайди. Шу боис табиат томонидан тортиқ этилган бундай бебаҳо бойликни асраб-авайлаш ҳар бир инсоннинг олдида турган энг катта вазифадир. Зеро, авлодларимизнинг соғлом ва бақувват ўсиши, улар орасида соғлом турмуш тарзини яратишда ҳам табиатнинг ўрни беқиёсдир.

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги қошида фаолият юритаётган «Эко-фильм» студияси ижодкорлари бевосита мана шундай масъулиятли ва айни дамда хайрли ишни ўз зиммаларига олган ҳолда табиат ва экология мавзуларида бир қанча ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар яратишди. Айниқса, «Қизилқум саҳроси ҳаёт бешиги», «Устюрт ҳақида афсона ва ҳақиқат», «Шарқ халқларининг удум ва анъаналари» туркумида яратилган фильмлар кўп сонли томошабинларга манзур бўлди. Эътиборли жиҳати, мазкур студия томонидан суратга олинган экологик фильмлар қатор нуфузли халқаро кинофестивалларда ҳам кино мутахассислар эътиборини қозонмоқда.

Яқинда Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида «Яшил нигоҳ» экологик мавзудаги фильмларнинг 12-халқаро кинофестивали бўлиб ўтди. Мазкур фестивалда «Эко-фильм» томонидан яратилган «Саҳро оҳанги» ҳужжатли фильми «Экологик мавзудаги энг яхши фильм» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди. Фильм режиссёри Семен Эгай, «Кино соҳасида кўп йиллар самарали ижодий фаолият юритган инсон» дея эътироф этилиб, фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Семен Эгайнинг «Саҳро оҳанги» фильми октябрь ойида Қозоғистоннинг Олма-ота шаҳрида бўлиб ўтган «Шакен юлдузлари» халқаро кинофестивалида ҳам махсус совриви билан тақдирланган эди.

Лола ҲОЖИМУРОДОВА.

Бош муҳаррир подполковник К. МИРГАЛАУТДИНОВ.

Шу сонга масъуллар: майор А. САФАРОВ, майор Х. ЗАЙНИЛОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 04 90; масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76. Факс – 153 17 98.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида В. Кузнецов ва Р. Ислакаев томонидан саҳифаланди.
Дизайн ва рассом – Н. Лантева.
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114. Буюртма № G-4399. Адади 22850.